O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan / www.uzas.uz / 2016-yil 2-dekabr №49 (4396)

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

АДОЛАТ КУЧДА ЭМАС, КУЧ АДОЛАТДАДИР

Қонун-қоидалар асрлар давомида пайдо бўлиб, такомиллашиб боради. Қомус, Тузук, Тўра, Низом, Ясо, Шариат, Асосий қонун, Конституция ва бошқа сўзлар билан ифодаланган тартиб-қоидалар мажмуаси узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Ифтихор

Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари акс этган Конституциямиз истиқлол шарофати ила қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг илдизлари узоқ тарихга эга. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсати ва тузуклари бугун ҳам ҳаётимизда ўзига хос дастур вазифасини ўтайди. Негаки, давлатни оқилона ва одилона бошқариш санъати баён этилган бу асар бугун ҳам ўзининг чуқур мазмун-моҳияти ва долзарблиги билан ҳаёт жабҳаларида маънавий мезон бўлмоқда.

Россия императорлик жуғрофий жамияти ҳақиқий аъзоси Д.Логофет 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган «Бухоро тоғлари ва текисликлари» китобида шундай ёзган: «Оврўпода конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... Амир Темурнинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — "Тузуклар" мавжуд бўлган ва амал қилган».

Амир Темур шахсий ҳаётида уч мўътабар асос — диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган. Унинг «Куч — адолатдадир» деган шиори мустақил Ўзбекистон сиёсатида ўз аксини топмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 1993 йилнинг апрелида ёзувчилар билан бўлган мулоқотда: «Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан», деган эди.

Тарихда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ буюк даҳо сифатида ном қолдириш учун фақат куч-қудратнинг ўзи камлик қилади. Амир Темур ҳаётининг мазмунини адолат билан бирга, инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони ташкил этган. У оламнинг ярмига жаҳонгирлик қилган бўлса ҳам куч-қудрат — зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда деб билган.

Инсоният тарихидаги жуда кўп донишмандлар орзу қилган куч ва адолат бирлиги 1370 йилда Термиз яқинидаги Бий мавзеида содир бўлган эди. Бу ерда ўзининг фавқулодда салоҳияти ва ғалабалари билан бутун Мовароуннаҳрга танилган 34 ёшли Амир Темур ва маккалик улуғ шайх, ер юзи сайидларининг пешвоси 55 ёшли Саййид Барака юзма-юз келадилар.

Давоми иккинчи саҳифада.



Анвар САМАТХЎЖИЕВ олган сурат.

"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, II-боб, 14-модда)

"БИЗ КИТОБ ЎҚИМАСАК..."

Бугуннинг гапи

Шундай тарихий ҳақиқат бор: қайси бир замонда шоиру адиб, олиму зиёли, умуман ижод аҳли эътибор топган бўлса, ўша юртнинг иши ҳамиша олға босган, халқаро нуфузи ҳам ортган, маънавияти юксалган. Ва бу ўз навбатида мамлакатнинг ҳар жиҳатдан қудратли бўлишини таъминлаган. Модомики шундай экан, бизнинг бугунги эришган миқёсларимиз, дунёни билиш ва ўрганиш соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз маънавият билан, демакки, инсон тафаккурининг хазинаси бўлган китоблар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Китобларни, бинобарин, яхши китобларни эса, буюк ақл эгалари яратадилар.

"Биз китоб ўқимасак, болаларимиз ҳам ўқимайди". Исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Бугунги кунда куюнчаклик билан айтилаётган бу даъватлардан таъсирланиб, фикру мулоҳазаларга, ижодий режаларга тўлиб-тошиб юрибман. Энди аввалгидан юз баробар катта куч билан ёзаман, деган ният ва мақсад дилимда мустаҳкамланди.

Шарқнинг оташнафас шоираси Зебинисо бегим ўзининг машҳур ғазалида олам китобхонасини бир-бир варақладим дейди ва кейинги мисрада: "Сен ёзган китобни кўрдиму муддао мана шу дедим", дея давом этади. Бу мисраларда нимага ишора бор? Қандай муддао тўғрисида гап бормоқда? Муддаонинг бир чети китоб ўқиш, ўқиганда ҳам танлаб ўқишга бориб туташади. Мен бутун умрини китобларга бағишлаган ва бир умр кутубхоначи бўлиб ишлаган иккита буюк ёзувчини биламан. Уларнинг бири Лотин Америкаси ёзувчиси Луис Борхес бўлса, иккинчиси улуғ немис адиби, Нобель мукофоти совриндори Ҳерман Ҳессе. Китоб ёзишдан ва китоб ўқишни тарғиб этишдан бир умр чарчамаган бу улуғ зотларнинг кўзда тутган мақсади нима эди? Жавоб шундай: инсониятни маънавият сари етаклаш, бахтли келажакни барпо этиш, ер юзида одамларнинг озод ва эркин ҳаёт кечиришига эришиш ва бунга бўлган ишончни мустаҳкамлаш. Асосий мақсад шу эди. Ва улар яратган асарларда яна бошқа кўпгина мақсаду интилишлар ҳам борки, уларнинг ҳаммаси пировард натижада адолат ва эзгулик тараннумига, бахтли келажак сари олиб борадиган ёруғ йўл ғоясига келиб туташади.

Олам – улкан кутубхона. Борхеснинг "Бобил кутубхонаси" асарида ана шундай хулоса бор. Шоира Зебинисонинг "Олам кутубхонасини бир-бир варақладим" деган мисрасидаги мазмун эса туб моҳияти билан Борхеснинг таърифига қараганда неча юз йил аввал айтилгани, шунингдек китобларга бўлган муносабатнинг изчиллиги билан ҳам биз учун янада қадрлидир.

Дарҳақиқат, биз китоб ўқимасак, бу борада фарзандларимизга ўрнак бўлмасак, болаларни китобга ошно қилишдан кўзланган мақсадларга эриша олмаймиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам" деган гапларининг мағзида ҳам аслида халқимизнинг ўтмиш маданияти ва маънавияти, улуғ боболаримизнинг илм-фан йўлидаги кашфиётлари, буларнинг барчаси бизга китоблар орқали етиб келгани ва бугунги тараққиётнинг тамал тоши, олға етакловчи кучига айланганига ишора бор.

Бир воқеа ҳамиша кўз ўнгимда туради. Раҳматли бобом Мулла Тўрабой олим киши эдилар. Ҳатто чой ичаётганида ҳам ёнларида китоблар қалашиб ётарди. Улардан бирини олардилар-да, "Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас", деб ўқий бошлаши билан кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетаверарди. Шунда мен ўйлардим: "Бобомдай улуғ одамни йиғлатяптими, демак китоблар зўр нарса экан". Ҳа, ўшанда чамаси беш-олти ёшли бола эдим ва шундай деб ўйлардим. Кейинчалик билсам, бу ҳазрат Навоийнинг байтлари экан. Китоб ҳеч шубҳасиз қудратли куч. Китоблар бор экан, маънавиятнинг улуғвор дарёси ҳеч қачон саёзлашиб қолмайди. Тўлибтошиб оқаверади.

Бугун халқимиз ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жуда қизғин ва ҳаяжонли дамларни бошдан кечирмоқда. Ҳаётимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй бериши, турмуш даражамиз янада юксалиши, давлатимизнинг халқаро нуфузи бундан-да сарбаланд бўлишидан ҳаммамиз умидвормиз. Китобхонлик эса ҳеч қачон эскирмайдиган ижтимоий-маънавий ҳодиса. Келажакни билимли фарзандлар, китобхон авлодлар барпо этиши — умидларимизга янада умид ва ишонч қўшади.

Неъмат АРСЛОН,
ёзувчи

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН!

Сайлов — 2016

Келажак — ширин орзу. Бани одамзотнинг келажакдан нияти битта, у ҳам бўлса тинч-тотув заминда фаровонликда, фарзандларининг бахту иқболидан шодланиб яшаш. Менинг келажакдан кутажак ниятларим ҳам барча кишиларда бўлгани каби эзгу тилакларга етиш. Мен умримнинг айни баҳор фаслидаман. Ота-онам ва яқинларим даврасида, жонажон диёримизнинг меҳрга тўла қуёшидан баҳра олиб вояга етаяпман. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қарор билан таниша туриб, биз ёшларга яратилаётган кенг имкониятларни қалбимдан ҳис этар эканман, Ватанимиз келажаги янада ёрқинроқ рангларда жилоланаверади.

Юртбоши, миллат сардори деган юксак ва ўта масъулиятли вазифани ҳар қандай одам ҳам уддалай олмаслиги тарихдан маълум. Бунинг учун унда Парвардигор юқтирган катта салоҳият, чуқур билим, олдинни кўра билиш фазилатлари бўлиши шарт. У ўз манфаатларидан халқи ва Ватани манфаатларини устун қўйиши, элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак. Биринчи Президентимиз бутун дунёга асл халқпарварлик, миллатпарварлик қандай бўлиши кераклигини ўз ҳаёти ва фаолияти давомида исботлаб кетди.

Энди юртимиз истиқболи учун биз овоз берадиган номзод ҳам у кишининг йўлидан бориб, мамлакатимизнинг янада тараққий этишига бел боғлаши лозим. Сайловда иштирок этиш қувонарли ҳол, албатта. Айниқса, унда биринчи маротаба иштирок этаётган бўлсанг, бунинг ҳаяжони бошқача бўларкан. Шу билан бирга, бугун бу сиёсий жараённинг нечоғли масъулиятли вазифа эканини тушуниб турибман. Ўтган галги Президентлик сайловларида халқимиз овоз берган номзод эл-юрт ишончини қанчалар оқлаганини, Ватанимиз, халқимиз тараққиёти учун нақадар улкан ишларни амалга оширганини вақт бизга исботлаб берди. Сайловда битта овоз ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боисдан номзодларнинг сайловолди дастурларини синчиклаб, бир-бирига таққослаб ўрганиб чиқмоқдаман. Жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларни кузатиб бордим.



Сайлов — бу келажак дедик. Келажак эса, албатта, порлоқ бўлиши керак. Мен овоз берадиган номзод келажагимизни нурафшон этишига ишончим комил. Демак, мен танлаган номзодим орқали нурли келажагим ҳамда порлоқ истиқболим учун овоз бераман!

Шаҳло ТОЖИЕВА,
лицей ўқувчиси

ИЖОД ВА ИМКОНИЯТ

Китобхонлик

Бош Қомусимиз қабул қилинган қутлуғ сана арафасида "Самарқанд китоб олами" маънавий-маърифий мажмуасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Адиб мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар, Ёзувчилар уюшмаси фаолиятидаги янгиликлар, ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапириб, уюшманинг вилоят бўлимига Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғидан муҳташам бино ажратилгани юксак эътибор намунаси эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ёшлар қалби ва онгида адабиётга ҳавас уйғотиш, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда китоб тарғиботининг ўрни ҳақида тўхталиб, "Жамиятимиз, айниқса, ижодкорлар олдида катта вазифалар турибди, — деди. — Кейинги кунларда китоб мутолааси маданияти ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу ниҳоятда қувонарли ҳол. Ижодкорларимиз ҳамиша фаол бўлиб, биз билан ҳамнафас яшаётган замон қаҳрамонлари қиёфасини яратишлари зарур. Юртимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришлар асарларимизда ўзининг бадиий ифодасини топсин".

Учрашувда уюшма аъзолари Ориф Ҳожиев, Хосият Бобомуродова, Нусрат Раҳмат, Худойберди Комилов, Ҳамида Каримова ва бошқалар ижод аҳли имкониятлардан унумли фойдаланиши зарурлиги ҳақида фикр юритишди. Самарқандлик ижодкорлар Ватан, Мустақиллик, Конституцияга бағишланган шеърларидан ўқишди. "Садоқат" тўгараги ва янги ташкил этилган "Ёш китобсеварлар клуби" аъзолари, адабиёт ихлосмандлари иштирок этган тадбирда Бегали Эшонқулов, Дилноза Аҳророва, Шаҳноза Қўшоқова, Мубина Қутбиддинова каби ёш қаламкашлар шеърий машқларини устозлар эътиборига ҳавола этишди.

Ахборот хизмати

"ОЛТИН КУЗ" ИЛҲОМЛАРИ

Тадбир

Куз фаслининг сўнгги ойида республикамиз бўйлаб ўтаётган "Олтин куз" фестивали байраму шодиёналарга бой юртимизни турли концерт дастурлари ва ранг-баранг кўргазмалари билан янада серфайз қилди. Консерваторияда бўлиб ўтган Латвия мусиқа академияси профессори Юрис Калнцемснинг, Россия, Исроил ва АҚШдан ташриф буюрган таниқли санъаткорларнинг маҳорат дарслари, Швейцария, Латвия, Франциядан келган истеъдодли ёш солистлар иштирокидаги Ўзбекистон Миллий симфоник ҳамда "Туркистон" камер оркестрларининг концертлари, юртимиз театр жамоалари ва концерт ташкилотларининг, фолклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари санъат мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Куни кеча пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида "Олтин куз" халқаро санъат фестивали доирасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган концерт дастури ҳам йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Ўзбекистон халқ артистлари О.Назарбеков, З.Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғ.Бойтоев, Р.Комилов, С.Мўминов, А.Йўлдошев, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Г.Абдуллаева, Ойбек ва Нигора, Дилсўз, Ж.Мирсоатов, эстрада хонандалари Р.Рўзумова, "Сурхон" гуруҳи, сўз устаси Аваз Охун ҳамда "Наврўз" рақс ансамбли иштирокидаги дастурни А.Тожибоев ва Ф.Норматова олиб борди.

Бу каби концертлар асл санъат мухлисларига завқ-шавқ улашиш билан бирга, жонли ижро тарғиботида ва бой маънавий меросимизни ёш ижрочиларга етказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

М.САЙФУЛЛАЕВ

"УММОНЛАРДАН ЮРАККА ТЎЛҚИН ОЛИБ..."

Таниқли ёзувчи Алишер ИБОДИНОВ ҳузурида

Адиб ва жамият

Абдулла Қодирийнинг Отабеги от суриб ўтган Қамчиқ довони қошидамиз. Инсон қўли билан бунёд этилган довондаги тунелга поезд сирли туйғудек шошқин кириб боради. Поезд тунелдаги деярли йигирма километр масофани босиб ўтгунича хаёлимда Ҳамид Олимжоннинг мисралари айланаяёв кезганда, эди менда...". Бир ажиб ҳис бор Қанчалар нафис, меҳрли сатрлар... Сўлим водийнинг жамолини кўриш, унга ошно бўлиш ҳисси юракни энтиктиради. Кучли бир кечинма вужудни чулғаб, тунелдан ташқарига чиқамиз ва гўзал, меҳмондўст Фарғона водийси баайни бизни қутлагандек кўз ўнгимизда ястанади.



Давоми учинчи саҳифада.

АДОЛАТ КУЧДА ЭМАС, КУЧ АДОЛАТДАДИР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тарихчилар бу улуғ учрашувнинг “ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз қутилмаганда” юз берганини айтиб, уни тақдири азал томонидан белгиланган учрашув, дея таърифлайдилар. Зеро, бу ерда куч-қудрат рамзи Амир Темур ҳамда адолат ва руҳият тимсоли Саййид Барака учрашдилар. Оламшумул вазифани амалга ошириш учун куч-қудратга мос келадиган, уни буюк ишларга йўналтирадиган руҳият-маънавият шу тариқа бирлашди. Соҳибқирон пирларининг асосий талаби ҳам – адолат эди.

Энди адолатнинг мазмун-моҳияти тўғрисида фикр юритсак.

“Адолат” сўзи арабча “адл”дан олинган бўлиб, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик маъноларини англатади. Ҳар ишда одил бўлиш, золим бўлмаслик, ҳақсизлик қилмаслик жуда аҳамиятли, гўзал ахлоқдандир.

Инсоният яралганидан бери адолатни қадрлаб яшайди. Адолат – тили, дини ва жинсидан қатъий назар барча учун азиз қадрият. Эртак ва достонларда яхши инсонларнинг ёмон ва золимлардан озор чекиши, пировард оқибатда воқеалар доимо ёмонларнинг жазоланиши билан якунланиши бежиз эмас. Агар шундай бўлмаганида, ҳар қандай мукаммал асарнинг қадри бўлмас эди.

Хитойлик донишманд Конфуций-лат ила жавоб қилмоқ керак”.

Соҳибқирон ҳаётидан ушбу ҳикматга мос мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, ул зот ўз тузукларида: **“Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топшурдим... Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим”,** деб ёзади.

Соҳибқирон қўллаган жазолар адолатли бўлгани боис, раият аҳлида эътироз ва норозилик туғилмаган. Бугун саъй-ҳаракат қилаётганимиз – “қонун устуворлиги” тамойили Соҳибқирон давлатида кенг амалда бўлган.

“Темур тузуклари”да шундай ёзилган: **“Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим”.**

Азалдан адолат бўлган жой гуллаб-яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат оёқ ости қилинган жойларда эса, разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

Соҳибқироннинг ҳаёт шиори бўлган “Рости–русти” (Куч — адолатда) сўзлари ёзилган узукни унга Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий ҳадя этган. У Амир Темурга йўллаган мактубида шундай таъкидлаган: “Худонинг мулкида адолат ила иш тутгилким, шундай демишдирлар: **“Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди”.** Зулм – адолатнинг ошкора бузилиши.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, “Халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидамайди...”.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон ўзига тўрт нафар адолатли вазир тайинлаган. Улардан иккитасига доимо уни кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиладиган бўлса, дарҳол тўхтатишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонса ёки бегона кимса мулкига хиёнат қиладиган бўлса, дарҳол огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйган.

Адолатсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичкинагина адолатсизлик ҳам вақти келиб, бутун жамиятга аксадо бериши тайин. “Яхшиликни очиқ чеҳрали кишилардан кутинглар”, дейилади муборак ҳадисда. Адолат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари эса, бемалол қонун ўрнини боса олади.

Амир Темур қонунларга риоя қилишни шу қадар жиддий қўйгандики, қонунни бузгани учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазога буюрган. Қонунчиликнинг шу даражада ўрнатилиши мамлакатда тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаган. Сафарлардан қайтиб келганда, шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман деб нарх-навони ошириб юборган бўлсалар, адолат русуми бузилганини кўрса, эл олдида ўша гуноҳкорнинг аёвсиз жазосини берарди. Ёлғон гапни ёмон кўрарди. Амир Темур ҳар бир можаро ва муаммоли ишларни диққат билан текшириб кўрган. Уларни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Барча ишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутган.

“Жазо бермаслик – жиноятга катта рағбатдир”. Бу кўҳна тарихда неча-неча марталаб исботланган ҳақиқат. Адолат тамойилларини бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган.

Амир Темур ўз тузукларида **«Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим»,** деб қайд этади. Бу «Куч – адолатда» шиорига амал қилинган салтанатда давлатни бошқариш ва мамлакат тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилишда халқ фикрига, хоҳиш-иродасига таянилганидан далолат беради.

Куч – адолатда! Бу ибора бутун инсоният учун мангу шиор, дейиш мумкин. Буюк бобокалонимиз: “Бир кунлик адолат, юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, дея бутун умри давомида ўз шиорига садоқатини намойиш этган. Муқаддас битикларда: “Ҳақиқий адолат Аллоҳдан ҳақиқий қўрқадиган қалб эгасидагина содир бўлиши мумкин”, дейилади. Ўз душманига нисбатан адолатли бўлиш унча-мунча инсоннинг қўлидан келмайди. Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятидан эса бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Такрор айтиш ўринли, адолат – миллати, дини ва ирқидан қатъий назар, Одам фарзандларининг бариси учун қимматлидир. Ўзбекистон Қаҳрамони, улуғ шоиримиз Абдулла Орипов шундай воқеани айтиб берганди: АҚШга борганида, штат губернаторининг кабинетига кирса, инглиз тилидаги: “Куч — адолатда”, деган ёзувни кўради. Ҳамюртимиз ҳаяжонланиб, бу шиорни қаердан олганлигини сўрайди. Губернатор, бу кимнинг гапи эканлигини билмадим, менга қадар шу ёзув бор эди. Менга ҳам шу гап ёқади, жуда кучли фикр, шундай эмасми, деб жавоб беради. Шунда шоиримиз ғурур билан: “Бу – бизнинг Амир Темур бобомизнинг гапи”, дейди...

Пойтахтимиз марказида савлат тўкиб турган Амир Темур бобомиз ҳайкалида чуқур рамзий маъно мавжуд. Унда Соҳибқирон учқур тулпорининг жиловини маҳкам тортиб, иккинчи қўлини олдинга чўзиб жаҳон халқларига омонлик тиламоқда. “Куч адолатда!” демоқда.

Амир Темур ҳикматларига амал қилган ўзбек халқи адолат машъаласини баланд кўтариб, Ватан боғини обод қилиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда. Адолат юракларга малҳам, келажакка ишонч демакдир. Адолат фақат шиорларда эмас, амалда бўлсагина улуғ натижалар намоён бўлади. Не бахтки, бугун буюк бобокалонимизнинг: “Куч — адолатда” деган улуғ шиорини баланд тутганмиз. У, албатта, бизни нурли манзилларга, буюк келажакка элтгуси. Бундай халқни кўзлаган мақсадидан қайтара оладиган куч йўқ.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Эл обод — дил обод

РАЪНО ОПАНИНГ ОЛМАЛАРИ

Тошкентдан чиқиб Янгийўл тумани ҳудудига кириб борар экансиз, катта йўлнинг сўл томонида, паст-текис қирлар орасида ўзининг гўзаллигини ҳамон намойиш қилиб турган бир боғга нигоҳингиз тушади.

Янгийўллик Раъно Бобоева бундан тўрт йил муқаддам боғдорчилик соҳасида фермер бўлмоқчимам деса, кўпчилик унга ҳайрон бўлган эди: “Аёл боши билан фермерликни эплай олармикан, синчалакдек нозик бўлса?” Аммо Раънохон бундай гап-сўзларга парво қилмади, қарорида қатъий турди. Инсонда мустаҳкам эътиқод, мақсад мужассам бўлса, ўз-ўзидан ниятлар ҳам рўёбга чиқаркан. Шу тариқа тиниб-тинчимас, меҳнаткаш бу аёл туманнинг “Навбаҳор” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Данғир” маҳалласи ҳудудида боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжалигини тузди. Хўжаликка яхши ниятлар ила “Неъматжон олмалари” дея ном беришди. “Эр-хотин – қўш қанот” деганларидек, Раънохоннинг турмуш ўртоғи Ғуломжон ака доимо унга елкадош, кўмакдош.

Фермерлик бир жойда тўхтаб туришни хуш кўрмайди. Буни юракдан ҳис этган Раъно Бобоева изланиш ва янгилик яратишни сира канда қилмайди. Аслида боғдорчиликка ихлос падари бузруквори кимёгар-биолог Неъматжон отадан юққан. Отаси Неъматжон Зуфаровни янгийўлликлар уста боғбон, ўз ишининг билимдони сифатида жуда қадрлашар эди. Мева дарахтларини пайванд қилишда, янги навлар яратишда у кишининг олдига тушадиган топилмасди. Янгийўллик боғбонлар Неъматжон отани ўзларига устоз деб билишарди. Бугун Раънохон ота изидан бориб кам бўлмади.

— Ёш, навниҳол мева дарахтлари худди ўзингнинг фарзандингдек бўлиб қолар экан, — дейди фермер биз билан суҳбатда. — Эрта тонгдан то кечгача улар парвариши билан шуғулландим. Одамзотнинг ризқу насибасига айланган ер юзидаги барча неъматлар биз учун қадрли ва азиздир. Фақат уларга меҳр ва парвариш керак.

Дарҳақиқат, шижоатли бу аёлдаги иштиёқ ва ўзига хос изланишлар бесамар кетмади. Дастлабки йили тажриба тариқасида Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий текшириш институтидан 1200 туп олма, 800 туп олхўри кўчати олиб келиб экилди. Фермер хўжалиги ҳудудидаги йигирма сотих ер майдонида иссиқхона бунёд этилиб, қирқ туп олхўри кўчати тажриба сифатида парвариш қилина бошланди. Қарабсизки, яхши ният — яхши ҳосил яратди. Албатта, тинимсиз меҳнат, пешона тери эвазига.

Кузги ҳосил чакки бўлмади. Умид билан экилган мева кўчатлари бу йил илк маротаба ҳосилга кирди. Олмазор ва олхўризорлардан жами олти тоннадан зиёдроқ ҳосил йиғиштириб олинди. Хўжалик аъзолари бундоқ ҳисоблаб қарашса, биргина меванинг ўзидан йил охиригача етмиш миллион сўм соф даромад олиниши мумкин экан. Айни дамда боғбонлар мевазорлар ўртасига сабзи, пиёз, қизилча, саримсоқ пиёз сингари оралиқ экинларини экишмоқда. “Тўқсонбосди” деб аталадиган бу сабзавотларни ерга қадашдан мақсад келгуси – 2017 йил учун замин ҳозирлашдан иборат. Тўқсон кунда пишиб етиладиган бундай неъматлар эрта баҳорда дастурхонларга тортиқ қилинади. Булардан ташқари, фермер хўжалиги ҳудудида яна иккита иссиқхона ташкил этилган. Уларда помидор, булғор қалампири ва бодринг етиштирилади. Эрта баҳорда ҳосилга кирганини кўриб кўзингиз яшнаб кетади.

Чиндан ҳам шундай. Фермернинг боғларидан қадам узилмайди. Мева ва сабзавотларнинг харидори чаққон. Шу йилнинг ўзида етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари Янгийўл кўзи ожизлар санаториясига, деҳқон бозорига ва бошқа корхоналарга етказиб берилди.

— Раъно опа беҳад мурувватли инсон, — дейди “Данғир” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшод Умарқулов. — Байрамларда, ҳайит кунларида маҳалладошларидан сира ёрдамини аямайди. Ўзидан ортганини маҳалламга бўлсин, дейди. Биргина шу йилнинг ўзида кам таъминланган оилаларнинг 15-20 нафарига мурувват ёрдамини кўрсатди.

Эндиликда фермер хўжалиги аъзолари ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш устида бош қотиришяпти. Албатта, чет элга жўнатиладиган маҳсулот, аввало, сифатли, хорижликлар дидига мос, экспортбоп бўлиши керак. Ана шу саъй-ҳаракатлар йўлидаги уринишлар дастлабки натижаларини бермоқда.

Бугунги фермернинг асосий мақсади ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашга қаратилган. Раънохон ҳам бундай мураккаб юмушни уддалашга чоғланган. Ҳозирданоқ уй шароитида қуритилган олма қоқиларидан шифобахш чой, консерваланган мураббо, буғдой унидан ёрма тайёрлашни синаб кўрмоқда.

Дарвоқе, фермер хўжалиги қошида қуёнчилик ҳам йўлга қўйилган. Айни чоғда элликдан ортиқ қуён парвариш қилиняпти. Келгусида қуритилган қуён гўштидан маҳсулот тайёрлаш устида изланиш олиб бормоқда. Раъно Бобоева банкдан 20 миллион сўм кредит олиб, нафақат Янгийўл, балки Зангиота, Чиноз туманларида ҳам қуёнчиликни ривожлантирмоқчи.

Кўп тармоқли фермер хўжалигининг шашти баланд. “Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил” кўкрак нишони билан тақдирлангани эса унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

— Режаларим бундан-да катта, — дейди биз билан суҳбатда Раъно Бобоева. — Маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш учун, аввало, ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Миллий банкнинг Янгийўл туман филиалидан 250 миллион сўм атрофида кредит олишни режалаштириб турибман. Агар бу мақсадлар амалга ошса, янги замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатамиз. Ана шунда етиштирган ҳосилимизни ўзимизда қайта ишлашга муваффақ бўламиз.

Фермер боғлари қиш оғушига чўмган. Раънохон ўзи меҳр ила ардоқлаб келаётган бу боғларни янада кенгайтириш, меваларнинг янги хилини яратиш устида ўйлайди. Эртанги режалар, қилинажак ишлар унга тинчлик бермайди.

Ашурали БОЙМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Адиб ва жамият

БОҒЛАРИМ-ЭЙ!..

Нариги уйдан онамнинг овози келди: «Шодмонқулжон...». Бироз алағдалик билан ёнига кирдим. Ётган жойидан туриб ўтирган онам қўли билан телевизорга ишора қилди. Экранда “Менинг боғим” кўрсатуви кетаётган эди. Шерободлик бир боғбоннинг ҳаят[1]идаги анорзорини кўрсатаётган экан. Бориб телевизорнинг овозини кўтардим. Онам ҳам сўзлай бошлади:

— Улим, шу анор жонивор жаннатдан тушган эмиш. Одамнинг кўнгли бўлиб думалабгина ерга тушган эмиш. Бир яхшиларимиз анор экканларга, ундан тотинганларга: “Кўп кун кўринглар-да касал бўлманглар”, деб дуо берган экан. Боғ яхши нарса-да...

Ичимда бир балолар гумбурлаб кетди. Яқиндагина шифохонадан келган онажонимнинг сахо кўнгли февралнинг ўртасида анор тусаганди. Қишлоқдошимиз Баҳодир аканинг боғида ҳосилидан қадди энкайиб турган бир туп анорининг кузги сарвати кўз олдимга келди. “Ўрозгул янгамга борайчи...”, деган ўй ўтди кўнгилдан. Чопонни елкага илиб онамга қарадим. У киши менга савол нигоҳини тикди. “Ҳозир келаман, энажон...”

Соат кечки тўққизлардан ошган эди. Баҳодир аканинг ўзи эшикни очди.

Сўнг... рўмолга тугилган бешолти дона анор ва бир банка анор шарбатини кўтариб уйга келдим.

Эҳ... энажоним... Баҳодир миробни ҳам, унинг бола-бақрасини ҳам, мени ҳам алқайвериб қўли қабарди шу тун...

Ажабланиб бетимга син солади-да, “Эй, болам, сен менинг кўнглимдагини қаёқдан билдинг?” деб юборади. Сўнг саволига ўзи жавоб айтади: “Шоир дегани одамнинг ичини билгич бўлар экан-да... Илойим, сенгинанинг ҳам йўлларинг очилсин-да. Яхшиларга етказсин-да, ёмонлардан қутқазсин-да...”. Адоғи йўқ-да, оғажон, бу тиловларнинг.

“Анор жонивор жаннатдан одамнинг кўнгли бўлиб думалабгина ерга тушган эмиш...”

* * *

Сўнг июн келди. Онам қайтмас бўлиб кетди. Бобом қўлимга тол таёқ тутди. Дўстларим чалоб ичиришди. Тўқсон ёшли улкан тоғам “Олти ёшда етим қолиб, олти ниҳол қадаганим, олти шаҳар қолдирганим, бир жигитдан кам бўлмаганим-ей. Етмишнинг устида тўй берганим-эй”, деб бизни юпатди. Кунлар унутилган шеърдай бир тўхтаб, яна яхшиларнинг ундови билан юриб кета бошлади.

* * *

Тошкентдан хабарлар ҳаво тўлқинларида айланиб келиб тураверди. Мен азим пойтахтни қўмсаб, эслаб, телефонларда сўйлашиб юраверди. Сўнгра... бир кун шаҳарга жўнадим. Ўз шахсий юмушим билан.

Изиллайди “Нексия”
Сурхондан Тошкент томон.
Куйлаб борар Ҳосила
Дилга чўғ ташлар ёмон...

Йўлнинг, сафарнинг завқи дилни аллалайди. Улуғ Дарбанд довонидан ўтган темир йўлларда поезд айқириб шаҳарни кўзлайди. Йўловчиларнинг элас-элас чеҳраси денгиз сатҳидан бирор тўрт минг метр юксакларда қувониб ўтади.

“Йўлларингиз бехатар бўлсин, элдошларим-эй”, деб қўяман. Ҳамроҳларим қувончимга шерик бўлиб, “Шеърдан ҳам бўлсин, шоир” дейишиб кетаверади. Дарбанд постига етмай йўл четида олма-анор сотиб ўтирган кишилар кўринади. Тўхтаймиз. Соқоли олтмиш ёшлардан сўйлаб турган чол анорини кўз-кўзлайди. Индамай бориб икки донани сайлаб оламан. Ул мўйсафид кутганидан мўлроқ акча ташлайман. Юрагимнинг туб-тубларидан қалқиб келган табассумимни унга қолдириб, анорни йўлхалтага соламан. “Бобоси! Бир дуо қилинг, сафарга кетяпмиз”. Бобо ҳам кўпни кўрган кўзларини қисиб қадоқ қўлларини дуога очади...

Йўл бўйи тоғлар бағрида барпо бўлган интенсив — тезпишар боғларга маҳлиё бўламан. Китобда, Омонқўтонда, азим Самарқанднинг бош эгиб турган мунис келинчакдай боғларида кўнглимнинг бир яхши тилаклари қолиб кетади. Сўнгра Жиззахдаги азим ва сўлим яшиллик мени олиб қолгудай бўлиб шовуллайди. Тошкент вилоятидаги чаманлар қошидан Эрамларнинг ёнидан ўтаётгандай бўлиб энтикиб ўтаман. Тағин ҳали мен жамолига тўймаган Фарғона водийсидаги боғларни таъриф этолмай доғман.

* * *

Бу халқ бир жойни обод этмаса, ниҳол қадамаса туролмайди. Бу халқ ҳамиша яшилликни тусаб, яратиб яшаган. Тонгда дарвозасидан яхшиликлар кириб келишига ишониб келган доим. Шомда келиб қолган мусофирга уй тўридан жой бериб, ўзи емай асраб юрганини ўшал меҳмонга тутган. Бу одамлар фарзандлари кўп, тўйлари мўл, байрамларга баҳоналар сероб бўлишига интилиб асрларни қаритиб омон келди. Бу одамлар бир вақтлар деразаси қошида ҳеч бўлмаса бир туп тут кўклаб турмоғи учун Деҳқонобод деган мардона жойларда учтўрт чақиримлардан эшакда сув ташиб келганлар.

Диёрнинг чинакам Мустақиллигига бир йигитнинг навқирон ёшича вақт ўтгани ҳолда бу одамлар кўпдан-кўп ютуқларни қўлга киритди. Ўз уйига, ўз машиналарига, улкан-улкан заводларига эга бўлдилар.

Бу одамлар бугун жаҳоннинг айрим туманли манзилларида ортидан бола эмас, кучук ё мушук етаклаб, Тангри амр этган яшамоқнинг азал қоидаларини инкор этиб кун кўраётган бир қур гангиганларга замондош ва заминдош ҳолида ҳам “Яхшидан боғ қолади, болам” деган содда ва собит умид-ла нигоҳини покиза осмонларига, азиз ерига қадаб меҳнат қилмоқдалар. Мен аниқ айтолмайман, қанча минг гектар майдонларда янги боғлар бино бўлган, аммо биламанки, улар жуда кўп...

* * *

Боғдан чинорлар кетса, ўрнига янгисини қадагайлар. Кекса, мункиллаган қария билан бегуноҳ олти-етти ёшли гўдакнинг ниҳол экаётган манзараси биз учун оддий, қонимизга сингиб кетган ҳолдир, бироқ бу кимларгадир орзу. Ишонинг.

Буни бу кишилар жудаям катта ва нозик табиий сезимла англашади. Шуни билгани учун мақтаниб юришмайди. Бул кишилар “Ҳа, энди ўзбек бўлгандан кейин, боғ яратиш керак, иморат тиклаш керак. Элга нафи тегиши керак-да...” деган азиз тутумлар билан яшагайлар. “Ватанни севиш керак, бошқа гап йўқ!”, дейди бу азизлар.

Мана шундай гурунглар, дўст! Онам ҳам бир боғ эди, бизларни асраган, етилтирган бир шовуллаган боғ. Аммо ҳозир азиз ватаннинг боғларини шарҳлай туриб она деган боғим ҳам менинг кўнглимда қайта шовуллай бошлаганини туйдим-да, биродар. Бу элнинг онахон шоири Зулфия битмишки, “Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”. Ҳақ-рост. Ўзингга шукр, Оллоҳ! Минг таъзим сизларга, азиз боғбонларим. Иши мўл, қўли қадоқ жондош, томирдошларим. Зуваласида яратмоқ завқи бўлган она халқим, ташаккур сенга!

[1]Ҳаят — бу сўз шевада боғни, полизни англатади.

Шодмонқул САЛОМ

Тадбир

АНЪАНАЛАР ЖИЛОСИ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Анъанавий ижрочилик” кафедраси шу йилдан бошлаб устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ташаббуси билан хонандалик ва созандалик кафедраларига бўлинди. Яқинда шу икки кафедра ҳамкорликда “Соғлом она ва бола йили”га бағишлаб “Анъаналар жилоси” номли илк талабалар концертини намойиш этди. Тадбирни консерватория профессори Рифатилла Қосимов қисқача кириш сўзи билан очди. Куй ва қўшиқлар ўқитувчилардан ташкил топган Ф.Содиқов номидаги созандалар ансамбли жўрлигида янгради.

Талабалардан Г.Ҳожихонова (“Феруз I”), Х.Холиқназаров (“Бозургоний”), Ў.Ҳусанбоева, Н.Муроталиева, Д.Зоҳидова (Навоий ғазали билан “Айламиш”) ижроларидаги ашулалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Азимжон ҲОЖИМАМАТОВ

Абдулла ШЕР

ТИЛДЕК ЎСАР ҚЎЛИМДА ҚАЛАМ

ТУПРОҒИМ

Тошкентимдан олислаб ногоҳ,
Тўйтепадан ўтдим нарига
Ва қўлимни узатдим, огоҳ,
Осмондаги Илҳомпарига.

Тақдир экан: ўшал парини
Жондан севиб, яшайман қучиб.
Гоҳ осмондан таниб нарини,
Коинотни оламан қучиб.

Лекин доим шоир юрагим
Юлдуз бўлиб ер томон оғар:
Мени чорлар толу терагим,
Исмим тўлиб анҳорлар оқар.

Зотан ўзин қарз бермиш тупроқ
Одам Ато яралган куни:
«Қайтаргин, — деб, — туширмасдан доғ
Бу дунёдан кетганда уни!»

Балки шундан кўкка учсам ҳам
Қанот ясаб қуёш нуридан,
Гулдек ўсар қўлимда қалам
Тафтлар олиб тупроқ кўридан.

Мен биламан, яшаш ўзи бахт,
Бироқ доим Ҳаққа беткайман:
Йиллар ўтиб, келганида вақт,
Тупроғимга кириб кетгайман.

КИТОБ

Сиғдириб ўзига еру осмонни,
Олису яқинни, ою юлдузни,
Эслатиб эътиқод, эрку иймонни,
Китоблар яшайди етаклаб бизни.

Жўнгина кўринган муқова аро
Мўъжиза туради кўздан беркиниб:
Гоҳида гадога тож қилиб ато,
Гоҳ қайтиб беради қулга эркини.

Қанотга айланиб бир-бир варақлар
Сени олиб учар Боғи Эрамга.
Сенга сўз айтгудек ҳилол чарақлар,
Юрагинг сиғмасдан қолар оламга.

Саҳродан денгизга, денгиздан тоққа,
Тоғлардан дарёга зумда ўтасан.
Сўнг ўхшаб сеҳрли, жонли чироққа,
Қоронғу дунёга зиё тутасан.

Дунё бор-будини сенга сарфлар,
Бошингга қўнади ҳақиқат қуши.
Сени ухлатмайди бедор ҳарфлар —
Сўзларда янграган ҳаққуш товуши.

Гарчанд карам кўриб қодир Худодан,
Фаришталар ичра ул кун сайландинг,
Сўнг олиб фотиҳа Одам Атодан,
Ернинг фарзандига, гарчанд, айландинг,

Бироқ англай бориб бир-бир ўзингни,
Тағин осмонларга сезмай қайтасан,
Китобдан ўрганган улуғ сўзингни
Яна ҳам улуғвор қилиб айтасан.

Йўқолиб боради кўнглингдан аста
Ғазабу гиналар, кин, икир-чикир.
Гўёки жавонинг сирли гулдаста,
Ҳар битта китобда гуллайди фикр.

Китоблар қуйлайди, куйлайди хона,
Бу сирли қўшиқдан яшарар олам.
Ҳатла деб чорлайди сени остона,
Сенга икки қутб бўлар бир қадам...

Токи яшар экан дунёда китоб,
Китобда яшагай гўзал дунёлар.
Китобсиз уйларга йўламас савоб,
Фаришта киролмай эшикда қолар.

«Иқро!» калимаси янграйди абад,
Тинглаб, амал қилмоқ муқаддас фарздир,
То қиёмат қадар чорлар бу даъват,
Ўқимоқ, эй одам, қиёмат қарздир!

ТОҒ

Пастда қолди суюк боғларим,
Мен тоғларга ўзни бахш этдим.
Тоғлар — менинг ёшлик чоғларим,
Тоққа чиқиб, ёшликка кетдим.

Какликлардан ёндош жой сўрдим,
Яқин турдим жуда қуёшга.
Қандай чизмиш шамоллар, қўрдим,
Асрларнинг сувратин тошга.

Кийикларнинг туёқларида,
Кўрдим, яшар тўрт жажжи қанот;
Тоғнинг юксак булоқларида
Харсанг бўлиб куйлайди ҳаёт.

Боқ, фаслу йил, замонлар фақат
Қўниб ўтар тош елкаларга:
Парво қилмас чўнг қадимият
Ўткинчи нур ва қўлкаларга.

Булутлардан гоҳ олиб ўлпон
Қор шаклида, ёмғир шаклида,
Тоғ қўзғатар яшил бир туғён
Адирларнинг ҳушбўй аҳлида.

Чўққидаги бир туп ол лола
Икки уфққа улашади ранг.



Тошлар қуйлар, қуйлар шалола,
Тоғнинг ўзи буюк бир оҳанг —

Унда мангу улуғлик қоим:
Ерга улаб яшар осмонни.
Шу учунми, алқаймиз доим,
Тоғимиз деб, азиз инсонни.

ОВОЗЛАР

Товуқлар қақағлар, шовуллар дарё,
Япроқлар шилдирар, маърар сигирлар.
Овоздан иборат гўёки дунё,
Овозлар оқади, ўсар, қимирлар.

Сен ҳам бир овозсан асли, эй одам,
Мана шу овозлар ичида бешак:
Майли, булбул каби сайрамасанг ҳам
Дунёда жаранглаб яшашинг керак!

КУЗ КУНЛАРИДА

Туркумдан

1.

Олис тоғлар қоялари
Қисқа кунлар илк қорни қутлар.
Булутларнинг сояларидан
Қуёшини қидирар ўтлар.

Дала-боғда маҳкум ариқлар
Хазон берган тусда оқмоққа.
Ой юборган совуқ ёруғлар
Барг тополмай қўнар тупроққа.

Шудрингларни ҳар саҳар сизлаб,
Пайкалларда ўсар сарғишлик.
Чумолилик одатин эслаб,
Одамлар ҳам ғамлайди қишлик.

Жунжиктириб мезон шамоли
Умр ипин оҳиста судрар.
Кампирларнинг инжиқфеъл чоли
Ҳасса билан сўзлашиб, мудрар.

Осмон сокин, қуёш боқмас тик,
Унутилмиш қўкламги шов-шув.
Руҳингда ҳам ажиб сокинлик:
На орзиқиш ва на хўшлашув...

2.

Валфажридан айрилди бўғот,
Бўғот энди маъюс мудрайди.
Энди уни қанотсиз ҳаёт
Баҳоргача ерда судрайди.

Яна кўрар, лекин, бир бор туш:
Титраб кетар қанотдан осмон;
Ҳайрат билан боқар суюк қуш:
Учиб борар бўғот ёнма-ён.

Учиб борар жанубга қараб,
Уни кутар сеҳрли ҳилқат...
Эрта кузнинг ёмғири, ё Раб,
Уйғотади, аммо бешафқат.

Олисларда йитди қалдирғоч,
Бўғот эса маъюс кузатар.
Учмоқ учун тополмай илож
Ёмғирларни йиғлаб тугатар...

3.

Чорлади-ю юксак ғоялар,
Уфқларга чўздим қўлимни.
Лекин тўсди қора соялар
Ҳар қадамда ёруғ йўлимни.

Мен-чи, кулиб, майда жаҳонни
Остонамга маҳкам михладим,
Жондан севиб мовий осмонни,
Оқ булутни миниб, «чуҳ!»ладим.

Гоҳ дунёни бир дарахт билиб,
Шабнам бўлиб япроққа қўндим;
Йиллар ўтди йиғлаб ё кулиб,
Қалам қилиб умримни йўндим.

Кузим етди. «Раҳмат!», деб кузга,
Кечираман кўздан ҳосилни;
Жон бағишлаб яна мен сўзга,
Қаршилайман сўнгги фаслни!

А.ШЕР 1943 йили туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. “Кўклам табассуми”, “Алёр”, “Тоқат”, “Ёмғирлар оралаб”, “Гул йиллар, булбул йиллар” сингари шеърий тўпламлари чоп этилган. Байроннинг “Дон Жуан” шеърий романини, Ҳ.Хайненинг лирик шеър ва достонлари, Пушкиннинг “Қурғондан иқтибос” туркумини ва бир қатор жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўгирган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

* * *

Ёзувчи ким аслида? Унинг туриш-турмуши, ижод билан бақамти ҳаёти қандай кечади? Унинг илҳом манбаи нима? Ватан ва халқ олдидаги асл бурчи, уни ҳис этиш, қабул қилиш тарзи қандай камол топади? Ёзувчи Алишер Ибодиновнинг номини адабиётга қизиқа бошлаган пайтларимданоқ эшитар эдим. Унинг “Латофат” дўконидаги қатл” “Гулсафсар ҳиди” каби китобларини унда-бунда учратиб, кейинчалик астойдил қизиқиб ўқий бошладим ва адиб билан бир суҳбатлашиш истаги туғилди. Телефондаги суҳбат ўз оти ўзи билан суҳбатда. Аммо ижод одами билан дийдорлашув эмас, асло. Бироқ ёзувчи билан орамизда улуғ Қамчиқ довони бор. Мана, насиба экан, бугун шу довондан ошдик. Дарвоқе, у киши Фарғонанинг машҳур Олтиариқ туманида истиқомат қилади. Зотан, ижодкор учун ўз ижодий эркинлигини қўлга киритишда, менингча, жойнинг ўрни унчалик ҳам муҳим эмасдек.

— Келинглар-эй, — деди у киши — мен учрашувни орзулаган ўзбекнинг бир камтарин, аммо ҳаддили адиби Алишер Ибодинов, нарвон устида тургани ҳолида. У ишкомдан узум узаётган эди.

Алишер ака ёруғ бир табассум билан бизни қаршилайди. Кўришамиз. Сўнгра, ўзбекона бир тиниқ мулозаматлар қуршовида менинг кўп замонлар кутган суҳбатим бошланиб кетади.

— Алишер ака, қарийб қирқ йиллик ижодингизда халқимизнинг ижтимоий, маданий ҳаётидаги турли эврилишларни баҳоли қудрат, виждон амрига хилоф бормай

“УММОНЛАРДАН ЮРАККА ТЎЛҚИН ОЛИБ...”

тараннум этиб келаётирсиз. Сизнинг-ча, адабиётнинг асл вазифаси нима?

— Бу жуда катта ва жиддий савол, аслида. Буни тушунтирмоқ ёки берилажак жавобни тушунмоқ учун айрим хотираларни айтишим лозим бўлади. Бу Яратганнинг улуғ неъмати Сўзга бўлган меҳримнинг, айни пайтда адабиётнинг сездирмайгина бажараётган вазифасининг бир четини илғашимизга кўмак берар, балки. Шу боис илк саволингизни “Сизнинг адабиётга кириб келишингиз қандай рўй берди?” тарзида ўзгартирсак, нима дейсиз?

— Маъқул.

— ...1974 йилнинг кеч кузи. Ҳинд океанининг илиқ сувларини тиғдай кесиб, поёнсиз ложувард маъво узра яшил нуқталардай сочилган Чагос ороллари томон сузаётган ҳарбий кема — “Адмирал Сенявин” крейсери тезлигини сусайтирди. Бу манзилда ҳарбий флотдаги қисмимизга тегишли почта бўлиб, уни олишимиз керак эди. Дарвоқе, мен ҳарбий хизматни денгиз флотида ўтаганман. Уммонлардан юракка тўлқин олиб, йигитликнинг завқини адабиётга эш қилиб денгизчи бўлиб юрган бир кунлар эди-да. Хўш, шундай қилиб, кечга яқин почталар эга-эгасига тарқатила бошлади. Хатлар... Она Ўзбекистон нафаси, онажоним ҳиди, соғинчларга малҳам бўлувчи муждалар... Икки-уч ой ичида онам, опам, ўртоқларим ёзган хатлар анчагина. Чўлу биёбондаги ташна одам йўлида дуч келган булоққа ташланганидек ютоқиб қўлга оламан уларни. Хатлар орасида одатдагидан бошқача, оддий конвертдан каттароқ ва кўк рангдаги хатжилд диққатимни тортди. Тепасида «Гулистон» журнали тамғаси. Қизиқиб дарров очдим. Журналнинг расмий хат қоғозига ўнг томонга хиёл қийшайтириб ёзилган дастхат. Умримнинг охиригача бирор сатри хотирамдан ўчмайдиган хат. Худди шу хат кейинчалик бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Бу — севимли ёзувчим, устоз Асқад Мухторнинг ўз қўллари билан ёзилган, менинг беш ой бурун журналга жўнатган ҳикоямнинг тақдири хусусида эди. Хуллас, ҳикоя уларга маъқул бўпти, журналнинг келгуси сонига режага қўйилибди ҳам. Кўзларимга ишонмайман. Ватандан минг-минглаб чақирим олисда, Ҳинд океанининг асов тўлқинлари кема бортига бош уриб ётган жойда Асқад Мухтордан мактуб олиш тушимга ҳам кирмаган эди.

Хуллас, ҳарбийдан қайтиб Тошкентга келдим. Асқад Мухтор домла билан кўришдим. Ҳарбийдалигимда ёзган ҳикояларим босилган иккита журнални олдим. Кўнглим тоғдек ўсди. Энди ўқишга киришим қолган эди. Ўқишга ҳам шу каби яхши одамларнинг, раҳбарларнинг ундови, кўмаги бир бўлиб кириб кетдик. Сўнгра пойтахтдаги адабиёт оламида ижодий йўл қидириб довдирашлар, ҳали у, ҳали бу таҳририятга ҳикоя элтиш, устозлар билан танишиш, уларнинг ҳаёт ва ижод хусусидаги тўхтамларини тинглашдек қайноқ ижодий муҳит бизни қамраб олди.

Бугун сиз тенги ёшларнинг китоблари 20 минг нусхада босилаётганини эшитиб ўша даврларим ёдга тушади. Лекин бугунги авлоднинг ютуғи, устунлиги ҳам борки, бу ҳам бўлса, сизларнинг ёшлигингиз озод ва обод ватанда кечаётир. Адабиёти ҳам, ёш истеъдодлари ҳам мустақил бўлган бир замон келди-да. Буни қадрламоқ керак.

Кейинги ўн-ўн беш йилда ўзбек насри не-не улкан чинорларидан айрилмади. Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев... Уларнинг наср майдонида байроқ кўтариб, довруғ қозонган чоғларини кўрдик. Аммо мана шу устозларнинг ҳам ижодий жиҳатдан негадир “эгни қисиқ”лигини сезиб қолардик. Негаки, адабиётда эркинлик йўқ эди. Туйғулар соцреализм қўлларида банди эди. Аммо адабиёт инсон, миллат эрки учун курашар эди. Гоҳ висолга, гоҳ ҳижронга “пана”лаб адабиёт эрк истар эди. Шеъриятда ҳам шундай ҳол бор эди. Эркин ака, Абдулла ака, Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Усмон Азим ва бошқа кўплаб шоирларимиз шеъриятнинг юксак мезонларини Юрт ва миллат озодлигига бўйлата олдилар.

Бугунги ёшлар нима ҳақида ёзишлари керак, деган савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бугунги авлод энди озод Ватан фарзандларининг кўнглини, дидини, қолаверса, инсонийлигини тарбиялашга ҳисса қўшмоғи зарур. Ахир, мустақилликни асраш дегани ҳеч қачон тугамайдиган иш. Бу ишни ватанпарварлар бажаради-ку!

Шу зайлда мен ва мен тенги авлод вакиллари ҳам адабиётга кириб келишган эди. Энди биринчи саволингизга жавоб берсам...

— Менимча, энди ҳожат қолмади-ёв?..

— Фаросатли йигит экансиз, раҳмат.

— Сизга ҳам ташаккур.

* * *

Фарғона — Тошкент йўлларида поезд елдек елади. Ал-Фарғоний, Марғиноний, Нодирабегим, Увайсий, Муқимий, Чўлпон, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф сингари сиймоларни берган гўзал водийдан Тошкентга поезд илдамлайди. Бу поезд вагонларида, ким билсин, келгусида ўзбекнинг шарафини оламга ёядиган не-не ўғил, қизлар бордир. Мен ана шундай йўловчилар қуршовида пойтахтга, ёзувчи Алишер Ибодиновнинг суҳбатидан кўнглим тўлиб қайтардим.

Жўрабек ЖАҲОН гурунглашди.

Азизхон ИМОМОВ

ЯНГИ КУН УМИДЛАРИ

Кўзимни очганим ҳамон бу тонгда ўзгача ёруғлик борлигини ҳис этдим. Деразадан ёғилаётган нур гўё уйқудалигимдан фойдаланиб, хонамни забт этганди. Кутилмаган ва ёқимли нурафшонликдан нигоҳим теранлашиб, кўнглимга хотиржамлик инди. Кеча оқшом пайти учқунлай бошлаган қор бугун чор-атрофни оппоқ кўрпага ўраганди. Дарвоқе, кеча... Шу топда ортда қолган кун ҳақидаги ўйлар хаёлимни чулғади.

Нега унга қўнғироқ қилдим? Бу савол бир кечада тарновда пайдо бўлган сумалакка ўхшарди. Ахир, олдиндан ўйлаган режам ҳам, мақсадим ҳам йўқ эди-ку! Бегона бир қизга шунча сўзларни айтдим-а. У бўлса, ҳатто мени танимас экан. Таҳририятда бир неча бор учратганимни ҳисобга олмаса, менда ҳам бу қиз ҳақида деярли тасаввур йўқ эди. Аммо шунга қарамай, тавакkал қилдим: шиша юзли телефонда рақамини тердиму яшил тугмани босдим...

Аввалига нима дейишни билмай роса иккиландим. Сўзларим бир-бирига қовушмай, ҳаяжондан гўшакни қўйиб қўйдим. Кейин яна қўнғироқ қилиб танишмоқчи эканимни айтдим. Очиғи, ҳали ҳеч қачон ўзимни бу қадар ноқулай ҳис қилмагандим. Балки мен айтган сўзлар унга бевақт ёққан қордек эриш туюлгандир. Бугун тонгда уйғониб, деразадан оппоқ уммон чўмган шаҳар манзарасини томоша қилаётиб шу ҳақда ўйлаётганмикан? Ёки сўзларимни жиддий қабул қилмадими? Қор парчаларидек ёғилаётган бу саволлар яна бошқа саволларни уйғотарди.


* * *

Дам олиш куни ҳовлимизда қор курашдан бошқа юмуш йўқ эди. Ҳали ерга ёпишиб улгурмаган майин оқ парчалар чой қошиққа илинган шакардек осонлик билан йиғиларди. Хаёлимни банд этган ўй-фикрлардан бироз чалғиш учун атрофга назар солдим. Боғимизда ажиб сукунат ҳукмрон. Деворлар томидан тортиб дарахтлар шохига қадар — ҳаммаёқ оқ либосга бурканган. Бамисоли қаршимда топ-тоза, оппоқ қоғоз ёзилгану унга дилимдаги сўзларни тезроқ битиб қолишим керак. Чунки бу беғуборлик абадий эмас.

Бироз вақт ўтиб уфқ сари чекинаётган зангори булутлар орасидан қуёш мўралай бошлади. Нажоткор шуъладек, осмондан заррин нур таралиб, яланғоч узум сўриларини силаб ўтганча оппоқ қор юзасида жилоланди. Бу ажойиб манзара гўё юрагимга умид бағишлади. Нима бўлган тақдирда ҳам у менинг сўзларимни тинглади-ку. Ажабланганига қарамай, жаҳли чиқмади, гапимни бўлмади. Фақат ота-онасининг хоҳиши билан иш кўришини одоб билан тушунтирди, холос. Мен эса қаламкашлигимга бордим шекилли, бироз маҳмадоналик қилдим. Шундай бўлсада, у мени тинглади. Энг муҳими, “Майли, ўйлаб кўрай, кейинроқ яна гаплашармиз...”, деди. Бу сўзлар ҳамон қулоғимда жаранглаб турибди: “Яна гаплашармиз...”. Демак, ҳали имконият бор. Шошқалоқлик қилиб хатога йўл қўймасам бўлгани. Аммо... узоқ ўйлашга вақт йўқ. Туйғулар ҳам гоҳида эрта ёққан қорга ўхшайди. Бугун оқ дастурхон ёзиб, эртага қуёш тафтида ғойиб бўлиши ҳеч гап эмас.

* * *

Қор қачон ёғишини аввалдан башорат қилиш мумкин, аммо бу табиат ҳодисаси қачон юз беришини режалаштиролмаймиз. Истаса, қиш бўйи бизни соғинтиради ёки бир кечада кутилмаган меҳмонимизга айланади. Шу боис шоир ошнамнинг айтишича, кўнгил масаласида узоқ ўйланиб, юракни қийнашга ҳожат йўқ. Ўқни камонга жойлагину пайсалга солмай нишонга от. Тегса бахтинг, тегмаса яна бошқа нишонлар, албатта, топилади. Гоҳида ҳаммасини тасодифга қўйиб берган маъқул экан.



Аммо ҳозир қор кураб, музлаб қолган бармоқларим билан камон ипини тортолмаслигим аниқ. Қўлимни ловуллаб ёнаётган ўчоқ тафтига тутарканман, енгимда қолган қор парчалари тезда эриб, ерга тома бошлади. Назаримда бу эврилиш замирида тасодифдан кўра табиийлик кўпроқ. Ахир, қор ҳам бекорга ёғмайди. У қачонлардир баланд тоғлар бағрида жилға бўлиб оққан, ирмоққа, дарёга айланиб, уммонларга қўшилган. Булут бўлган, фалак кезган, сўнг қорга эврилиб заминга қайтган. Ғойибона кўнгил қўйган афсонавий ошиқлар-чи? Туйғулар бамисоли радио тўлқинлари сингари икки қалбни бирбирига боғлашга қодирлиги, балки ростдир. Ёки шоҳ Баҳром Моний мусаввир чизган Дилором суратини кўрибоқ эс-ҳушидан айрилгани шунчаки тасодифми? Йўқ, буларнинг бари “Қалб” деб аталувчи буюк дунёнинг қонуниятларига бўйсунади. Негадир, кўнглимда уйғонган туйғуларда ҳам шундай узвийлик борлигига ишонгим келди. Бўлмасам, нима учун улар менга тинчлик бермаяпти? Хулоса чиқаришга шошилмай турай. Биз ҳали кўришганимиз йўқ, бир-биримизни ҳатто танимаймиз. Мени безовта қилаётган нарса, балки ёшликнинг ўткинчи ҳаяжонидир.

Сурур

Саволларга саволлар билан жавоб топиш мушкуллигини билсам-да, соат миллари пешин вақтидан ўтганига эътибор бермай, хаёл суришда давом этардим. Дафъатан ғафлатда қолганимни сездим. Кеча оқшомдан буён безовталигимнинг асосий сабабчисидан хабар олмабман. Хатойимни тўғрилаш ниятида шошганча хонамга йўл олдим. “Ўйчи ўйлагунча...” деганлари чиндан ҳам ростга ўхшайди.

* * *

Доим мени безор қилувчи қўл телефоним бугун негадир сукутга чўмган. Оқшом кириб, тун оралаган бўлса-да, дераза токчасида турган бежирим қутичадан ҳеч бир садо келмасди. Китоб варақлаб ўзимни чалғитмоқчи бўлдиму барибир, ҳеч бир сўз, мисра хотирамда қолмади. Қанча ҳаракат қилмай, нигоҳимни қўл телефонидан узолмасдим. Яна қўнғироқ қилишга юрагим дов бермаслиги аниқ. Балки ўзи қўнғироқ қилар ёки хабар юборар... Бу тахминлар кўксимга гўё ўт қалаётганди. Иситмалаётган бемор сингари оловли тафт ичида қолдим.

Ниҳоят, сабрим тугаб, совуқ қор бағрига ошиқдим. Авжи тун маҳали бўлишига қарамай, атроф кундузгидек ёруғ ва сокин, осмонда юлдузлар чарақларди. Ой нурида жилоланаётган гўзал қор парчаларини томоша қиламан. Улар ҳамон майинлигини йўқотмаган, оёғим остида ғичирлаб, менга нимадир деб шивирлаётгандек бўлишарди. Боғ оралаб ҳар қанча кезмай, қор парчаларининг розини эшитолмадим. Хаёлимни турли саволлар батамом забт этганди. Бироз олдин ҳаяжон аралаш ўқиган китобларим орасидаги бир мисра ниҳоят ёдимга тушди: “Нелар керак менга ўзи? Оҳ...” Бу сўзларни битган Шоир мен билан ҳамдард бўлган чоғи.

Тунги сайр қанча давом этганини сезмадим. Ҳовурдан тушиб, уйга кирганимда эса телефонимга қўнғироқ бўлганини билдим. Не кўз билан қарайки, бу ўша рақам эди. Ҳа, у менга қўнғироқ қилибди. Нимадир айтмоқчи бўлган... Балки “Овора бўлманг...” дейиш ниятида йўқлагандир? Ё аксинчами? Агар бироз сабр қилганимда, мени қийнаётган барча саволларга жавоб топган бўлардим. Вақт аллақачон бўлганида уни безовта қилишим тўғри эмас. Қўлдан кетган имконият бамисоли эриб кетган қор. Ўзингни қанча койима, бефойда. Энди фақат биргина йўл бор — янги кун бошланишини кутиш...

* * *

Бу тонг ҳам аввалгиси каби нурафшон ва сокин эди. Энди иккиланишу шубҳаларга ўрин қолмаслиги аниқ. Гарчи бошланган янги кун нима билан якун топиши мен учун ҳозирча мавҳум бўлса-да, ундан умидим катта. Йўқ, бугун мўъжиза юз бериб, барчаси осонлик билан менинг фойдамга ҳал бўлишини кутмаяпман. Ҳар доимгидан кўра эртароқ ишга йўл оларканман, кўнглимга ўша таниш хотиржамлик қайтганини сездим. Хайрият, атрофдаги оппоқ қор ҳали эриб кетмабди. Бу беғубор ҳаёт саҳифасига ўз сўзларимни битишга улгуришим керак...

А.ИМОМОВ 1990 йили туғилган. 2014 йил Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат тарихи ва назарияси йўналиши магистрлик босқичини битирган.

Таржима — юксак санъат

ЯНГИ БОСҚИЧ ОСТОНАСИДА

Хорижда, хусусан, Ғарб мамлакатларида бадиий таржимага эътибор қандай? Таржима жараёнида асар муаллифининг иштироки муҳимми? Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таржимонлар тайёрлаш ишлари қандай олиб борилаётир... Қуйидаги мақолада ана шу мавзулар ҳақида сўз юритилади.

Маълумотларга қараганда, жаҳонда таржима академик фан сифатида XVII асрнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошланган. Инглиз тилли давлатлар орасида бу фан translation studies (таржимани ўрганиш ёки таржимашунослик) номи билан аталади. Америкалик олим Ж.Холмс (1924–1986) илмий тадқиқотида мазкур фаннинг таржима ва таржима қилиш феномени доирасидаги муаммоларни ўрганадиган мустақил академик фан эканлигини таъкидлайди. Таржимашунослик тарихида таржиманинг фан сифатида шаклланишида Ю.Найда, Р.Якобсон, П.Невмарк, А.Дафф, А.Маллей, А.Курилла, А.Бархударов, Л.Комиссаров каби олимларнинг ишлари бу фаннинг назарий асосларини тизимлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

1995 йилга келиб Мэри Снел Хорнбей “Таржимашунослик: интеграллашган ёндашув” номли китобида таржимашуносликнинг назарий аспектларини белгилаб берди. Мона Бэкер “Роутледж таржима энциклопедияси”да мазкур фан ҳақидаги кенг ва умумий қарашларни аниқ тизимга солди. Мазкур энциклопедиянинг 2008 йили чоп этилган қайта нашрида эса, олима таржимашунослик фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги, фан сифатида тармоқларга бўлингунга қадар ривожланиш босқичларини кўрсатиб берди.

Инглиз таржимашуноси Робинсон бадиий таржима касб сифатида даромадли соҳа ҳисобланмайди, дейди. Буюк Британияда бадиий асар таржимонларининг тўлиқ иш кунида бандлигини таъминлай оладиган иш ўринлари йўқлиги сабаб, баъзи таржимашунос олимлар бу соҳани ўқитиш учун молиявий асос йўқлигини эътироф этишаётганини айтади. Британия муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятининг хабарига кўра, бугунги кунда Буюк Британия нашриётларида чоп этилаётган китобларнинг атиги уч фоизини таржима адабиётлар ташкил этмоқда. Хўш, бадиий таржима тараққий этган давлатлар таълим тизими эътиборидан четда қолдими? Бошқа тарафдан, бугунги кунда Англияда бадиий таржимани қўллаб-қувватлайдиган фондлар чет тилларидан инглиз тилига бадиий таржималарни амалга ошираётган таржимонларни молиявий рағбатлантириш, китобларни нашр этиш ва тақдирлаш ишлари билан шуғулланмоқда. Шунингдек, Америка ва Англиядаги таржимонлар ассоциациялари ҳам мустақил ташкилот сифатида йиллик аъзолик бадаллари ва турли хил фондлар кўмагида бадиий таржима бўйича анжуманлар ўтказиб, соҳанинг янги назарий ва амалий масалаларини қамраб олаётган илмий мақола ва тезислар тўпламларини чоп этиб, таржимонларининг йирик лойиҳаларини молиялаштириб келмоқда. Гарчи сўнгги ўн беш йилда Англияда бадиий таржиманинг асосий академик фанлар қаторида ўқитилишига эътибор қаратилаётган бўлса-да, эндиликда бу эҳтиёжга қараб амалга оширилмоқда. Яъни етакчи олий ўқув юртларида ёзги(3-4 ҳафталик) пуллик малака ошириш курслари ташкил этилган. Уларда талабалар, соҳага қизиқувчи ёки бадиий таржима билан профессионал шуғулланишни истаганларнинг маблағлари ҳисобидан соҳанинг етакчи профессорлари маърузалари, етук таржимонларнинг ҳафталик мастер-класс дарслари ташкил этилган. Пуллик курслар якунида эса тингловчиларга шу фандан малака оширгани тўғрисидаги сертификатлар тақдим этилади.

“Guardian” газетасининг (2007 йил, 16 ноябр) онлайн версиясида эълон қилинган йирик таҳлилий мақоласида мухбир Ричерд Лининг ёзишича, Германияда бир йилда нашр этилаётган таржима адабиёти 13 фоизни, Францияда 27, Испанияда 28, Туркияда 40 ва Словенияда 70 фоизни ташкил этса, Англия ва Америкада бу кўрсаткич бор-йўғи 2-3 фоиздан иборат. Ҳозирги пайтда хорижлик муаллифларнинг ўз асарларини чет тилида ёзаётгани, баъзи нашриётларда харидорлар талаби билан “таржима” сўзи китобларда қайд этилмаётгани, хорижлик муаллиф асарининг инглиз тилидаги таржимасидан кўра ўша ёзувчининг ўзи инглиз тилида ёзган асарига талаб юқори экани айтилади. Бунга мисол қилиб хитойлик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори Мо Яннинг тажрибасини келтириш мумкин. У инглиз тилини билгани ҳолда, ўзининг бевосита иштирокида инглиз тили вакили билан бирга асарларини инглиз тилига ўгирмоқда. Гарчи Мо Яннинг асарлари АҚШда ҳам хитой тилидан инглиз тилига бошқа таржимонлар томонидан ўгирилган бўлса-да, китобхонлар муаллифнинг ўзи таржима жараёнида иштирок этган нусхаларни кўпроқ сотиб олмоқда.

Демак, дунёда тахминан 430 миллион киши асосий тил сифатида, 505 миллион киши иккинчи тил сифатида сўзлашадиган инглиз тили вакилларини ҳамон бадиий таржима фанини ўқитиш муаммоси ташвишга солаётган экан, Ўзбекистонда бу борада бажариладиган ишлар кўлами қанчалик кенг эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Янгидан ривожланиш босқичига кирган замонавий ўзбек таржимашунослигини бугунги кунда профессионал маҳоратга эга бўлган бадиий асар таржимонларини етиштириш масаласи қизиқтиради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида ўзбек-инглиз таржима факультети ташкил этилди.

Фармонда белгилаб берилган “илмий, бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржима қиладиган таржимонлар тайёрлаш” масаласи ўзбек-инглиз таржима факультетининг бош вазифасидир. Албатта, ўқув жараёнида бўлажак таржимонларга таржиманинг назарий муаммолари тўрт йил давомида “Мутахассисликка кириш”, “Таржима назарияси”, “Бадиий таржима” ва “Таржима танқиди” фанларини қамраб олган йирик модул дастур орқали батафсил ўргатилади. Шунинг билан бирга, таълим жараёнида таржима амалиётига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Тўрт босқични қамраб олган “Таржима амалиёти” фани доирасида талабада таржимонлик маҳорати шакллантирилади.

Ўзбек-инглиз таржима факультети олдига нафақат ўзбек тилидан юқори савияда таржима қилиш салоҳиятига эга таржимонларни тайёрлаш, балки ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ютуқларини чет элларда тарғиб этиш, республика иқтисодиётининг долзарб соҳалари мутахассислари ва ходимлари учун жаҳонда эътироф этилган манбаларни ўзбек тилига ўгириш ишларини янги босқичга кўтариш вазифалари қўйилган. Бу масалада факултетда махсус дастур ишлаб чиқилган. Унда асосан факултет негизида ташкил этилган “Ёш таржимон ижодхонаси”, “Синхрон таржима” тўгаракларида тўрт йиллик лойиҳалар амалга оширилади. “Синхрон таржима” тўгарагида ўзбек тилида қилинган сиёсий мавзудаги маърузалар, дипломатик музокаралар жараёнида кенг қўлланадиган калит сўз ва бирикмаларни тўғридан-тўғри инглиз тилига ўгириш бўйича амалий машғулотлар олиб борилади. Ҳар бир босқич ҳисобот йиғилишида овозли ва ёзма таржима материаллари жамланмаси тайёрланади. “Ёш таржимон ижодхонаси” тўгарагига эса, факултетда таҳсил олаётган талабалар орасидан таржима ишига иқтидори борлари танлаб олинган. Тўгарак таркибига жалб этилган талабаларнинг илмий, ижодий қобилияти мутахассислар иштирокида синовдан ўтказилди. Тўгарак доирасида тўрт босқич давомида тўртта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу йилги “Ўзбек Болалар адабиёти таржимаси” лойиҳаси 2017 йил май ойида якунланади. Мазкур лойиҳа учун болалар адабиётидан асарлар саралаб олиниб инглиз тилига таржима ишлари бошлаб юборилди. Бу таржималар инглиз тилини билиш даражаси A1-A2 (бошланғич даража) бўлган ёш ўзбек ва хорижлик китобхонларга мўлжалланган. Мақсадимиз мазкур лойиҳа доирасидаги тўпламларни чет эллик ҳамкорлар билан хорижда ҳам чоп этиб, адабиётимизни тарғиб қилишдан иборат.

Кейинги ўқув йилига мўлжалланган “Ўзбек ҳикоялари таржимаси” лойиҳасида “Ўзбек ҳикоялари антологияси”дан саралаб олинган эллиқта асар инглиз тилига ўгирилади. Бу китоб инглиз тилини билиш даражаси B1 (ўртача даража) бўлган ўзбек ва хорижлик китобхонларга мўлжалланади. Шунингдек, 2018 — 2019 йилларга мўлжалланган “Ўзбек романлари ва қиссалари таржимаси” лойиҳасида иккита энг сара ўзбек романи таржима қилинади. Бу асарлар инглиз тилини билиш даражаси B2 (ўртачадан юқори) бўлган китобхонларга мўлжалланади. 2019 — 2020 йилларда эса Алишер Навоийнинг ғазаллари ва “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан ҳикматлар таржимаси лойиҳасини амалга оширишни мақсад қилганмиз. Тўгаракка йигирма нафардан зиёд иқтидорли талаба танлаб олинган. Таълим жараёни ва лойиҳалар уйғунлигини таъминлаш мақсадида талабаларнинг, таржима маҳоратини эгаллашига қараб, мураккаброқ лойиҳаларда иштирок этишига имконият берилади. Ҳар йили лойиҳа иштирокчиларининг инглиз тилини билиш даражаси ва таржимонлик қобилияти имтиҳон қилиб борилади. Мақсадимиз — бадиий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига ва чет тиллардан ўзбек тилига юқори савияда таржима қиладиган моҳир таржимонлар тайёрлаш.

Давр талабига мос таржимонларга эга бўлиш бугуннинг эҳтиёжи. Бунинг учун шароитлар етарли. Дадил айтиш мумкинки, ўзбек таржимачилиги янги юксалиш босқичи остонасида турибди.

Гулноза ОДИЛОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Тадқиқот, ахборот

“...ҲАР КИМ ЎЗНИ БИЛҒОН ЯХШИДИР”

“Машрабнинг Нуротага сафари қиссаси” хусусида

Диёримиз тарихи ва қутлуғ қадамжоларга доир нодир манбаларда, мумтоз адабиётимиз намуналарида Нурота, унинг чашмаси, Шайх Абул Ҳасан Нурий табаррукланиб, алоҳида эҳтиром этилади. Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорийнинг “Тарихи Муллозода”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис”, Сулаймон Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби”, Сўфи Оллоҳёрнинг “Сабот ул-ожизин” асарлари шулар жумласидандир.

2013 йили наманганлик манбашунос Аҳмад Убадуллоҳ томонидан «Наманган» нашриётида чоп этилган «Машрабнинг Нуротага сафари қиссаси» бу рўйхатни яна биттага бойитди. Асар асли ўзбек тилида, арабий ёзувда битилган бўлиб, Офоқхожа ва Нурота билан боғлиқ воқеалар Машраб саргузаштлари орқали ифодаланган.

Рисола сўзбошисида қайд этилишича, қўлёзманинг асли ўтмиш замонлар жабрини тортган, афтода кўринишда. Бир қисми йўқ. Сақланган қисми 104 варақдан иборат бўлиб, 62-104-варақлари “Машрабнинг Нуротага сафари қиссаси”ни ташкил этади. Аммо асарнинг айрим варақлари, жумладан, хотимаси йўқ. Қўлёзма таркибида бўлса-да, алоҳида китоб кўринишида. Ҳажми 42 варақдан иборат. Уларда Машрабнинг ҳозиргача маълум бўлмаган 16 ғазали ва 2 муҳаммаси ўрин олган.

Қисса халқона тилда битилган, муаллифи, хаттоти кўрсатилмаган. Фақат келтирилган тарих, яъни “Таммат ал-китоб биавнил ал-маликил Ваҳҳоб, валлоҳу аъламу биссавоб, сана 1294 (ҳижрий)”га кўра милодий 1876 — 1877 йилларда ёзилган ёки кўчирилганини билиш мумкин. Демак, Машраб вафотидан бир ярим асрлардан кейин ёзилган бўлиши эҳтимол.

Бинобарин, Машраб ўз ғазалларида ёзишича, “кўҳ-бакўҳ, сахрома саҳро” юриб кўпгина ўлка-юртлар, шаҳар-қишлоқларни қаландарларга бош бўлиб кезиб чиққан. Манбаларда Андижон, Ўш, Хўжанд, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Самарқанд, Бухоро шаҳру қишлоқларида, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби азиз зотларнинг қадамжолари зиёратида бўлгани, Хуросон мамлакатларини кезгани айтилади. Шунингдек, Нурота баробарида Кармана, Хатирчи сарҳадларида бўлгани ҳам эътироф этилади.

Назарда тутилган Нурота сафари Офоқхожа даргоҳидан кетишидан олдин амалга ошган. Чунки қуйидаги маснавийсидан келиб чиқиб фикр юритилса, Машраб Нуротада аввал ҳам бўлган, деган тасаввур тасдиғини топади:

Қум ичиндан Хожам Ўббондин излаб даво,
Кеча ётиб эрта қилсак орзуйи Нурото,
Ғута урсак моҳи янглиғ чашмаи раҳмат аро,
Тун бориб тоғ узра етиб фажрни қилсак адо,
Кеча айлаб Нуҳдек сайри Бухор истар кўнгил.

Қисса тасаввуфона руҳда ёзилган. Шу жиҳатдан баён ва ундаги ғазал ҳамда муҳаммасларни ўтмишдан қутлуғ мерос деб билмоқ мақсадга мувофиқ.

Қуйида “Машрабнинг Нуротага сафари қиссаси”нинг қисқача баёнини келтирамиз.

“Аммо ровиёни ахбор (хабарчилар) *ва ноқилони асор* (асарларни нақл қилувчилар) *чунин* (шундай) *ривоят қилурларким, дар вилояти Қошғар* (Қашқар вилоятида) *Офоқхожа баланд мақом бир кун фикр қилдиларки, дунёни сайр этайин, деб. Бир кеча истихора қилдилар* (ният қилиб ётиб, дохил туш кўриш). (Тушларида) *гашт этиб* (сайр этиб) *бир жойга бордиларки, бир чашмаи, ул чашма ичинда нур пайдо бўлиб, осмонга чиқаберди ва чашманинг бўйида бир тахтаи санги мармар* (мармар тош) *турур...* (Бу жойнинг қаер эканлигидан ҳайрон турганларида ғойибдан садо бўлдики) *бул мақомни* (жойни) *Нурото дерлар... Ҳар ким риёзат чекиб бул мақомга келса, бир кун туриб луқмасидан* (таомидан) *еса, гўёки беҳишт* (жаннат) *луқмасидин ёғандек бўлғай... бул мақомнинг хосияти кўп эрур. Шул сўзнинг устида бедор бўлдилар* (уйғондилар)”.

Алқисса, Офоқхожанинг шу чашма сувига ишқи тушади ва муридларини йиғиб дилини ёзади: *“Эй ёронлар! Бир марди боҳиммат борми, дар тарафи Мағриб замин дар Бухоро Нуроте деган* (жойда) *бир чашма бор. Бориб менга сув олиб келсун... Бир кун борсун, бир кун турсун, бир кун келсун”.*

Ҳеч бир муридидан садо чиқмайди. Охири Машраб масти беихтиёр бўлиб, жойидан туриб дейди: *“Эй, пирим! Буд хизмат камина қулдан етсун* (бажарилсин)”, деб ушбу матлои ғазалини ўқийди: *“Гар ижозат берсангиз, олиб келурман ё пирим, Мақбули даргоҳ бўлиб, олиб келурман ё пирим!..».*

Офоқхожа бу журъати сабабини сўраганида Машраб ихлосини изҳор этиб, дафъатан жавоб қилмаганини, одоб сақлаганини, охири улуғлардан жавоб бўлмагач, майлини баён этганини айтади. Офоқхожа шоду хушнуд бўлиб, оқ фотиҳа бергач, йўлга отланади.



Йўлга равона бўлгач, вақт ўтиб Хожаи Хизрга рўпара бўлибди ва у зот Машрабнинг сафари ҳақида билиб: уч кун ичида бу ишни уддаламоқ ғалат, яхшиси бир дарёдан сув олиб боракал, осон қутуласан, деган маънода гап қилибди. Машраб қаҳри келиб, Хожаи Хизрга қараб бир ғазал ўқибди: *“...Манга амр этди пирим, еткур дебон Нур чашмадан, Такя айлаб зотига ман Нуротога бораман. Гарчи йўл бўлса узоқ, қайтарим йўқдир мани, Зоеъ қўймас, бандаман, амри Худога бораман...”.*

Ҳазрати Хизр унинг қатъиятига офарин айтиб: “Эй девонажон, шул ғазалнинг пайравига бир ғазал ўқинг”, дедилар”. Машраб ушбу ғазалини ўқибди:

Қодиру якто бино қилғон аътога бораман,
Жойи хомул-хос аро, ман Нуротога бораман.
Қудрати бирлан яратиб чашмаи бир гўшага,
Файзи раббоний улашган Нуротога бораман.
Ҳар киши қилса зиёрат, чашма ичра санги нур,
Пок бўлгаймиш гуноҳдин, Нуротога бораман.
Зоҳирим девонадур, ботинни ҳеч ким билмагай,
Курчи йўл бошчим қўлумда Нуротога бораман.
Рози дил айтгони ул Мусо чиқиб Тур тоғига,
Ҳамроҳи Мусо маним, ман Нуротога бораман.
Зикриё сабр айлади, бошига етти арралар,
Ҳар балога сабр этиб, ман Нуротога бораман.
Нуҳга кишти тузат, деб амр қилди Кирдигор,
Манга амр этти пирим, ман Нуротога бораман.
Ҳазрати Иброҳим ўғлин ҳаққа қурбон айлади,
Мисли Исмоил каби ман Нуротога бораман.
Ҳар кишида бўлса ҳиммат, жаннату кавсар тузур,
Масту ҳақдурман бугун, ман Нуртога бораман.
Машрабо, девонаман, саргашталик ҳолим мани,
Чун Офоқ Хожам учун, ман Нуротога бораман.

Баъд аз он Хожаи Хизр айтдилар: “Эй, девонажон, ман санга озмойиш учун айтиб эрдим, боракаллоҳ ҳимматингга”, деб фотиҳа бердилар”.

Шундан сўнг, Машраб йўлига равона бўлиб, Тахти Сулаймон(Ўш шаҳри)га, орадан ҳеч вақт ўтмай Шайх Маслаҳаддин Хўжандий(Хўжанд)га етибди. Бир қанча сирли воқеаларни бошдан кечирибди.

Сўнг бир сайҳа (наъра) тортиб катта дарёга етибди ва киштибон (кемачи) уни дайди бир йўлчи билиб нариги соҳилга ўтказмабди. Машраб олам ишининг ҳолидан дили танг бўлиб, уст-бошини ечиб сув юзига солибди ва устига чиқиб ўтириб, киштибонга қараб бу матлои ғазалини ўқибди: *“Жомамни сувга ёйиб, ман ўтарман бул замон, Пири комил мандадур ҳам ўткорур дарё омон...”.*

Ундан Самарқандга етиб, Ҳазрати Шоҳи Зинда(Қусам ибн Аббос)ни зиёрат этибди. Яна бир сайҳа билан Самарқанддан Нуротага етиб келибди. Чашма бошига келса, суви йўқ, одамлар лолу ҳайрон. Ҳеч ким сабабини билмайди. Машраб мадади истионат (ёрдам сўраб) билан ушбу мақтали ғазални ўқибди:

Машрабо, кўп нола қилдинг,
еру кўк ларзон бўлур,
Сабр қилғил, авлиёлардин бу иш бўлғай раво —

деб истихора (нияти қисматини тушда англаш) қилибди ва унга чашма кўзини тиқин тўсиб қолгани аён бўлибди. Йўли очилгач сув равон оқибди ва халойиқ офарин айтибди.

Воқеалар давом этиб, Машраб донишмандлик билан чашма бўйидаги сохтакорларнинг таъзирини бериб, субҳидам туриб, качкўл косасига чашма сувидан олиб, Қашғарга равона бўлибди.

Алқисса, бир сайҳа билан Қашқар дарвозахонасида пайдо бўлиб, ўзини танитмасдан дарвозабондан гап сўрабди. Дарвозабон дебдики, бу шаҳарда бир пири забардаст бор. У зотнинг кўнгли Нурото деган мулкдаги чашма сувига тушган эди. Муридларини чорлаб, уч кунда шу сувдан келтирар бир марду доно борми, деди. Улардан сазо бўлмагач, Машраби девона бу ишга ихтиёр этди. Унинг келар муддати бўлди, бироқ дараги йўқ. Бундан суфилар шодки, ундан қутулдик, деб.

Машраб бу сўзларни эшитиб, бетоқат бўлиб, бир ғазал ўқибди. Унинг мақтаси шундай:

Машраби таън этма,
ҳар ким ўзни билғон яхшидур,
Некдур ё бад эрур, олиб келибман, ё пирим...

Шу жойда қўлёзманинг бир неча варағи йўқолиб кетгани сабабли қиссанинг хотимаси номаълум. Бироқ илмий аҳамиятли бу қўлёзманинг топилиши машрабшуносликда яна бир олға ташланган қадамдир.

Асар ягона нусхада бўлмаса керак. Бу яхши гумон унинг бошқа тўлиқ нусхалари топилишига умид уйғотади. Мавжуд ҳолатда ҳам нашр этилса дуруст бўларди, чунки унда Машрабнинг ҳали номаълум бўлган 16 ғазал ва 2 муҳаммаси ўрин олган. Албатта, бу машрабшуносларнинг жидду жаҳдига боғлиқ.

Суюндик МУСТАФОЕВ,
тадқиқотчи, манбашунос

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳисобот

Бугунги адабий жараён, адабиётимизнинг истиқболи, бадиий асарни тушуниш, тушунтириш масалалари нафақат адабиётшунослар, ижодкорлар, балки бошқа касб эгаларини ҳам қизиқтириши табиий. Таҳририятимизнинг Танқид ва адабиётшунослик бўлимига келаётган хатлар шундан далолатдир. Мактублар халқимизнинг адабиётга эътибори, бадиий ижодга қизиқиши кучлилигини кўрсатади. Жорий йил давомида бўлимга келган олтмишдан зиёд адабий-танқидий мақола ва хабарнинг ярмидан кўпроғи газетамиз саҳифаларида босилди.

Таниқли адабиётшунослар, мунақкидлар, ёш тадқиқотчиларнинг йил давомида бериб борилган мақолалари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Таржимашунослик, танқидчилик муаммолари, хорижлик олимларнинг ўзбек адабиётини ўрганишга доир тадқиқотлари, устоз адибларнинг ибратли умр йўли, мумтоз адабиётимиз намуналарининг янгича таҳлил ва талқинлари, замонавий адабиётимиз намуналарининг жаҳон тилларига таржималари сингари мавзулар “Танқид. Адабиётшунослик” саҳифасининг мундарижасини ташкил этди.

Жамоатчиликка манзур бўлган, баҳс-мунозара уйғотган мақолаларга акс-садо тарзида ёзилган мактублар ҳам кўп келди. Бироқ айтиш жоизки, улар орасида пишиқ-пухта ишланган адабий-танқидий мақолалар, тақризлар, адабий ўйлар, тадқиқотлар билан бирга матбуот талабларига жавоб бермайдиган материаллар ҳам оз эмас. Мумтоз адабиётимиз намуналарини тушуниб-тушунмай талқин қилинган, таҳлил, асослардан холи юзаки фикр билан чекланган мактублар шулар жумласидан. Чунончи, Навоий ғазаллари ҳақидаги мулоҳазаларда дарсликлардан кўчирилган, теран кузатишдан йироқ гаплар ёки шоир ва ёзувчиларнинг тазжимаи ҳолларидан иборат мактублар ҳам талайгина. “Тақриз” деб жўнатилаётган айрим хатлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бир амаллаб чоп этилган китобларнинг “сифати”ни ошириб ёзиб, таҳририятга жўнатган билан мурод ҳосил бўлмайди, албатта. Чунки тақриз жанрининг ҳам ўзига хос талаблари бор.

Бўлимга келаётган мактублар муаллифлари орасида адабиёт ўқитувчиларининг кўплиги бизни қувонтирди. Зеро, адабиёт муаллимининг ижодий жараён билан алоқаси, иштироки унинг педагоглик фаолиятида қўл келиши тайин.

Адабиётшунослик, адабий танқид ҳам илмий, ҳам ижодий салоҳиятни талаб этади. Фикр-хулосалари далилланган, таҳлил ва талқинда холислик ва профессионаллик мақола, тадқиқот, тақризларнинг етакчи фазилатларидир. Муаллифларга талаб қўйилганда шу мезонлардан келиб чиқилади.

Таҳририятимизга йўлланган мактублар бизни газетамизнинг жонкуяр мухлислари билан боғлаб турадиган восита. Бу ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкам давом этади дея ишонч билдирамиз.

Танқид ва адабиётшунослик бўлими

МУМТОЗ АШУЛА — МАҲОРАТ МАКТАБИ

Санъат аҳли орасида: “Мусиқа оламига мақом деган дарвозадан кирилади”, деган гап юради. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизнинг мумтоз мусиқага ҳамиша меҳри баланд. Ҳатто замонавий мусиқага ружу қўйилган даврларда ҳам мумтоз ашулаларнинг қадри баланд бўлган. Бугунги даврга келиб барча қадриятларимиз қатори мумтоз қўшиқчилик ҳам кенг ривожланиш сари юз тутди. Нафақат ёши улуғ санъаткорлар, балки санъатга қадам қўяётган ёшлар ҳам ўз ижодларида миллий мумтоз куй-қўшиқларимизга кенг ўрин беришяпти. Бундай муносабатнинг асосий сабаби шундаки, мумтоз ашулалар ҳар қандай хонанда учун катта маҳорат мактабидир.

Шу йил ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз қатори “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлган хонанда ва педагог Нодира Пирматова ижоди бунинг ёрқин далили. Бетакрор овоз соҳибаси билан илк бор 2005 йили танишгандим. Ўшанда Нодирахон “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида “Айлагай” ҳамда “Оё” катта ашулаларини ижро этиб, кўпгина номдор санъаткорлар орасида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, мақом ва мумтоз ашулаларимизни маромига етказиб куйлаётган оғир-босиқ, нафосатли хонанданинг ижро маҳоратига, ҳатто чет эллик мутахассислар ҳам тан берганди.

Бугун Нодирахон халқимиз кўз ўнгида ижоди сайқалланиб, мукаммаллашиб, бетакрор хонанда сифатида шаклланди. Ҳаммаси Қўқонда бошланганди. Илк устози, отаси Йигитали Пирматов ўн ёшидаёқ унга “Гулузорим” ашуласини ўргатган. Ундан кейин “Қоши ёсинму дейин”, ашуласини мароқ билан ижро этди.

— 14-15 ёшимдан катта саҳнага қадам қўйганман, — дейди Н.Пирматова. — Дастлаб Содирхон ҳофиз номидаги мақомчилар танловида, 1995 йили Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар танловида ғолиб бўлдим. Бундан ташқари, Хитой, Озарбойжон, Туркияда ўтган халқаро танлов ва фестивалларда ҳам биринчилик насиб этди. Шубҳасиз, “Шарқ тароналари”да биринчи ўринни эгаллашим менга масъулият юклаш билан бирга, катта куч-ғайрат ҳам бағишлади. Мумтоз ва халқ қўшиқлари, айниқса, катта ашулаларни қунт билан ўргандим. Бунда устоз санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиев, Рифатилла Қосимов, Маҳмуджон Тожибоев сабоқлари катта ёрдам берди.

Суҳбатимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, Нодирахон дутор, танбур, доира каби миллий чолғуларимизни бемалол чалар экан. Очиғи, бугун ижод қилаётган ҳамма аёл хонандалар ҳам буни уддалайвермайди.

— Ёшлигимдан миллий чолғуларимизга қизиқаман, — дейди хонанда. — Дутор чалишни мустақил ўрганганман. Қолган чолғуларни ҳам баъзан яхши ижрочилардан ўрганиб, баъзан мустақил шуғулланиб ўзлаштирганман. Устозларимнинг сабоқларидан биламанки, ҳар қандай хонанда, мумтоз ашула айтадими ё эстрадами, барибир, бирор чолғуда куй чала олиши шарт. Чунки ўзи куй чалишни билган одам чолғулардан таралаётган оҳангларни яна ҳам яхшироқ ҳис қилади, оҳанг ва овоз ҳамда ижро мутаносиблигини тўғри йўлга қўя олади. Шогирдларимга ҳам шу ҳақда кўп айтаман. Умуман, санъатга муҳаббат қўйган ёшларга бу ҳикматни мактаб давриданоқ сингдирган маъқул.

Дарвоқе, Н.Пирматова дастлаб Тошкент давлат маданият институтида халқ ашула ва рақс ансамбларига раҳбарлик кафедрасида ишлаб талабаларга сабоқ берган бўлса, бир неча йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедрасида фаолият кўрсатиб келяпти. Ўтган даврда бир қатор шогирдларни мусиқанинг катта бўстонига учирма қилиб улгурди.

— Болалигимдан ўқитувчиликка қизиқаман, — дейди Нодирахон. — Айниқса, хонандаликни умрим мазмуни деб билиб, санъат, қўшиқчилик билан астойдил шуғулланишни бошлагач, қизиқишим мақсадга айланди. Яхши овозли йигит-қизларга йўл-йўриқ кўрсатиб, имкониятларини юзага чиқаришда ёрдам беришни ният қилганман. Шубҳасиз, ижодий маҳоратимни чархлаб, репертуаримни бойитиб боришни ҳам унутаётганим йўқ.



Учрашув

Дарҳақиқат, хонанда ҳар икки соҳани бирдек олиб бориб, ижодда фаолликни сусайтирмаяпти. Грециялик таниқли бастакор Кариакос ташкил этган халқаро “Марко Поло” номли лойиҳа доирасида дунё бўйлаб ўтаётган “Осиё аёллари” концерт дастурида фаол қатнашаётгани бунинг далилидир. Дастурда Марказий Осиё, Мўғулистон, Туркия, Хитой каби давлатлардан биттадан танлаб олинган аёл хонандалар қатнашади. Улар шу кунгача дунёнинг қатор мамлакатларида ўз истеъдодини намойиш этиб, кўплаб мухлис орттиришга эришишди. Дастур ҳақида Нодирахоннинг ўзи шундай дейди:

— Концертда асосан 10-12 нафар хонанда қатнашади. Саҳнада ҳамма тизилиб ўтиради ва ҳар бир хонанда биттадан 7 дақиқали ашула айтади. Кейингисида эса биттадан 5 дақиқали ашулани ижро этади. Энг муҳими, ижроларга томошабин баҳо беради. Кўпинча катта ашула билан ютиб кетаман. Чунки бундай йўлда бошқа ҳеч қаерда куйланмайди. “Марко Поло” лойиҳаси, аввало, ўз имкониятларимни намойиш этиш майдони, қолаверса, турли давлатлардан келган хонандалар билан ўзаро тажриба алмашиб, бир-биримиздан ўрганамиз. Ҳар гал чет эл сафарларида бўлганимда миллий мусиқамизга қизиқишдан, эҳтиромдан кўнглим кўтарилади. Шундай юртда яшаб ижод қилаётганимдан фахрланиб кетаман.

— Нодирахон, ўзингиз яхши биласиз, бугун ёш истеъдодлар орасида миллий куй-қўшиқларимизга, мумтоз ашулаларимизга қизиқиш ортиб бораяпти. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Бу, биринчи навбатда, мусиқа санъатига, хусусан, мумтоз ашулалар тарғиботига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилаётгани самарасидир. Айниқса, энг сўнгги техник мосламалар билан жиҳозланган, миллий қадриятларимиз ва замонавий архитектура уйғунлигида яратилган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият бошлагани бу борада жуда катта аҳамият касб этди. Ёш ўғил, қизлар бу даргоҳларда тажрибали устозлардан сабоқ олиб, миллий мумтоз санъатимизга муҳаббат руҳида тарбияланмоқда. Бундан ташқари, турли танлов ва кўрик-фестиваллар, устоз санъаткорлар билан учрашувлар, “Ниҳол” мукофотига сазовор бўлаётган истеъдодли ёшлар орасида мумтоз йўналишда ижод қилувчиларнинг кўпаяётгани ҳам ёшларда бу соҳага қизиқишни кучайтиряпти. Ҳар қандай рағбат одамга ишонч ва янги изланиш учун куч-ғайрат бағишлайди. Бугунги томошабинда жонли ижрога талаб кучайган бир пайтда кучли овозга эга, ижро маҳорати юқори бўлган хонандаларга эҳтиёж ортиб бораверади. Мумтоз ашула ижрочилари орасида эса бундайлар кўпчиликни ташкил этади.

— Сиз ёш болаларнинг мумтоз ашула айтишига қандай қарайсиз? Умуман, бугун миллий мумтоз куй-қўшиқларимиз ижроси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Аслида болаларнинг ўз қўшиқлари бўлгани яхши. Лекин овоз имконияти кўтарса, астойдил хоҳласа, болага мумтоз ашулаларимизни айттиришдан қўрқмаслик керак. Шу кунларда телевидениеда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун “Юлдузча” танлови давом этяпти. Агар кўраётган бўлсангиз, аксарият болалар ашулаларни жон-дилдан яхши кўриб куйлаяпти. Таниқли санъаткорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир болага ниҳоятда тўғри баҳо ва маслаҳат бериб боряпти. Ҳатто баъзиларга “Сиз ҳозирча ана шу ашулаларни айтманг”, дейишяпти. Ота-оналар бундай маслаҳатларга қулоқ тутсалар, яхши бўларди. Ҳар ҳолда, боланинг овозини сунъий зўриқтириш, фарзанди орқали машҳурликка интилиш яхши йўл эмас. Шунингдек, овози бор экан деб, ёш болаларни тўйма-тўй олиб юриш ҳам маданиятли ота-онанинг иши эмас.

Бугунги эстрада хонандаларига келсак, уларнинг мумтоз ашулаларга, миллий куй-қўшиқларга қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Бу борада Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова каби таниқли санъаткорлар ижоди эътирофга лойиқ. Афсуски, аксарият хонандалар ё матнни бузиб куйлаяпти ёки куй оҳангига зиён етказиб қўйишяпти. Афсуски, бундай ижро эстрада хонандалари қўшиғини севиб тингловчи кўп сонли ёшлар аудиторияси дидини бузиб қўйиши мумкин. Хонанда мумтоз ашулани чуқур ўрганиб, сўзларини бузмасдан айтсагина, ҳамма учун маъқул бўлади. Биргина “Тановар”нинг 18 хили борлиги, “Дугоҳ” мақоми тўртбеш ғазал билан куйланишининг ўзиёқ хонандани сергак қилиши, ўзига талабчан бўлишга ўргатиши керак.

Қанча-қанча катта концертларда, чет элларда мумтоз ва катта ашулаларимизни маромига етказиб айтиб келаётган Нодирахон изланишда давом этяпти. Мақсади — энг сара мумтоз ашулаларимизнинг ижро йўлларини мукаммал эгаллаб, уларнинг умрбоқийлигига ҳисса қўшиш.

Гулчеҳра УМАРОВА

Яшаётган қўшиқлар

ЖОН РИШТАСИГА ТУТАШ

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлиға, тонг йўқким,
Навоий риштаи жонин эшиб чангига тор этмиш...



Мусиқа бобида ҳазрат Навоий қаламидан тўкилган яна бир дурдона... Яъни муғанний – созанда, ўз нағмаси – чалган таронаси билан базм аҳлига жон берса, руҳ берса, ажабланмангки, муғанний чалаётган тор, шунчаки, тор эмас, балки Навоийнинг эшилиб созга уланган жон риштасидир.

Устоз Эркин Воҳидовнинг бир неча ўнлаб қўшиқлар қанотида миллионлаб юракларга кириб борган шеърлари ҳам ҳали-ҳануз жонимиз риштасига туташ, десак муболаға бўлмас. Чунки “Ўзбегим”, “Инсон”, “Аччиқ ҳақиқат”, “Барча шодлик сенга бўлсин”, “Хаёл”, “Бу ҳаёт”, “Бир қадам” сингари кўплаб қўшиқларнинг “жонтомир”ида юксак бадиият, заргарона назокат ва, энг асосийси, ўзбекона дард билан суғорилган СЎЗ оқяпти...

Маълумки, юқоридаги қўшиқларнинг аксарияти устоз Эркин Воҳидовнинг арузий шеърлари, яъни ғазаллари, мухаммасларига басталанган. Зеро, аруз – тамоман мусиқага, оҳангга асосланган вазн. Дарвоқе, ўтган асрнинг 60-йилларида “мудроқ” аруз вазнини уйғотиб юборган “Ёшлик девони”даги шеърларнинг қарийб ҳаммаси қўшиқ бўлган. Ишонмайсиз-а?! Лекин бу — факт. Ҳатто ўша кезларда санъаткорлар ўртасида бир аскиянамо воқеа ҳам айланиб юрган экан. “Ёшлик девони” ортидан қарсакларга кўмилиб юрган устознинг олдига бир санъаткор келиб: “Эркин ака, менга янги ғазал ёзиб берсангиз, қўшиқ яратмоқчи эдим?” дебди. “Марҳамат, девонимиздаги истаган ғазалга мурожаат қилишингиз мумкин,” дебдилар устоз. “Мумкинку-я, лекин девонингизда қўшиқ бўлмаган бир мундарижа қолди-да”, деган экан санъаткор.

Латофатли сўз, унга басталанган дилрабо куй ва маҳоратли ижро – бу уч юлдузнинг учрашуви ҳамиша санъат осмонида ноёб ҳодиса ҳисобланган. Аммо бу борада устоз Эркин Воҳидов шеърларининг толеи кулган, десак хато қилмаган бўламиз.

Рустам МИРВОҲИД,
шоир

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРМАН

Сен ғанисан, менда бисёр эҳтиёж.

Нодирабегим

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошинга тож,
Мулки ҳуснингга омонлик,
Тожу тахтингга ривож.

Тожу тахт ташбеҳидан сен
Кўҳна деб кулсанг нетай,
Сен ахир шоҳи жаҳоним,
Мен қулингман, не илож?

Не иложким, давлатим йўқ,
Ганжи меҳримдан бўлак,
Бул эваздан кўз тўлайдур
Қатра-қатра дур хирож.

Кўзларим айлар ҳамиша
Арзи муҳтожлик сенга,
Айт-чи, жоним, борми сенда
Кўз ёшимга эҳтиёж?

Кўп насиҳат тинглаб Эркин
Қилмади ҳеч тарки ишқ.
Бор масалким, иш юришмас
Соҳиби гар бўлса кож.

СЕВГИ

Севги шундай навбаҳорки,
У тикандин гул қилур,
Тошга жону тил бағишлаб,
Зоғни ҳам булбул қилур.

Севги шундай дард эрурки,
Барча бўлғай мубтало,
Мубталони неки қилса
Телба бу кўнгул қилур.

Севги шундай тангридирки,
Унга тенгдур шоҳ, гадо,
Қулни айлаб шоҳу султон,
Шоҳни бўлса қул қилур.

Севги шундай бир оловки,
Жонга ундан йўқ омон,
Гулханида ўртаб-ўртаб,
Бир кун охир кул қилур.

Севгинингдур ҳукми мутлақ,
Истаса шайдоларин,
Чашми гирёнидан уммон,
Оҳидан довул қилур.

Севгига шеър битдинг, Эркин,
Бесабаб эрмаски, ишқ —
Айлагач кўнгилни ишғол,
Шеър ила машғул қилур.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам.

Интизор ҳар уй диловар
Дилкушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат
Йиғлагай остона ҳам.

Яхши дўстлар даврасида
Очилурсан ҳар замон,
Кўркни шода ичра топгай
Марварид дурдона ҳам.

Сўрма мендан, ким дилоро,
Дўстми ё жонона деб,
Дўст менинг кўнглимдадир,
Жонимдадир жонона ҳам.

Қочма ростгўй дўстларнинг
Коҳишу озоридан,
Қадди рост шамнинг тилидан
Ўртанур парвона ҳам.

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман
Бўлса у бир дона ҳам.

Ким сенга ҳамроз эмасдир,
Боғараз деб ўйлама,
Гоҳи душманлик қилурлар
Кўл сиқиб дўстона ҳам.

Дўсти содиқ йўқ экан деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

БИР ҚАДАМ

Иккимизнинг ўртамизда
Йўл, дилоро, бир қадам.
Шунчалар мушкулми қўймоқ
Сенга, зебо, бир қадам.

Кўзларимнинг нури бўлди
Йўлга пойандоз, кел,
Сен қасам ичдингми ё, деб —
Қўймам асло бир қадам.

Мен сени Зуҳрою Ой деб
Илтижо қилдим ва лек
Сен йироқсан, гарчи менга
Ою Зуҳро бир қадам.

Парда ичра офтобим,
Ёнида мен нурга зор,
Ташнаман, қирғоқдадурман —
Бунда дарё бир қадам.

Не иложким, севги расми
Шул экан тақдир азал,
Ҳеч писанд эрмас масофа,
Мушкул аммо бир қадам.


Интизорлик телба қилди,
Телбаликка йўқ илож,
Жонидан кечган кишига
Икки дунё бир қадам.

Бас, шикоят қилма, Эркин,
Журъат айлаб йўлга чиқ,
Сенга бир одим Самарқанд,
Сўнг Бухоро бир қадам.

ФИДОЙИ ОЛИМ

Санъатшунослик, хусусан, мусиқашунослик анча мураккаб ва нозик соҳа бўлгани учун ҳам бу илмни чуқур ўзлаштириб, юксак натижаларни қўлга киритган олимлар у қадар кўп эмас. Айниқса, ҳам чуқур илмий ишларни амалга ошириб, ҳам шогирд тайёрлашда кўпларга ўрнак бўлиб, айни пайтда матбуот билан жиддий ҳамкорликни йўлга қўйишга муваффақ бўлган олимлар бармоқ билан санарли.

Ана шундай фидойи инсонлар орасида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оқилхон Иброҳимовнинг алоҳида ўрни бор. Мақом куйларининг коинот қадар юксалиши ҳақидаги фалсафий қарашларни замонавий мусиқашуносликда илк бор далиллаб берган, ранглардан таралаётган мусиқий оҳангларни идрок ила кўра олган юксак истеъдод соҳиби, беназир мусиқашунос олим О.Иброҳимов юртимиздаги ёш фан докторларидан бири. 1998 йили “Мақомлар семантикаси” мавзусида докторлик ишини ёқлаганидан сўнг, уч йил давомида Санъатшунослик институтининг директори вазифасида ишлаган даврида бир қанча ёш олимлар номзодлик ва докторлик ишларини муваффақиятли



ёқладилар. Бу даврда бир неча республика ва халқаро илмий анжуманлар ўтказилди, тўплам ва илмий монографиялар дунё юзини кўрди.

2006 йили унинг “Фарғона-Тошкент мақомлари” илмий монографияси халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан нашр эттирилди. Юксак илмий салоҳияти боис унга Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар” қўлёзмасини қайта таҳрир қилиб нашр эттиришдек шараф насиб этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимиз Мустақилликка эришгач, умумтаълим мактабларида мусиқа таълимини тубдан ислоҳ қилиш, қайта кўриб чиқиш лозим бўлди. 1992-1993 йилларда ёш олим Дарвин Омонуллаев билан ҳамкорликда аввал умумтаълим мактаблари 1-8 синфлари учун “Мусиқа” фани концепцияси, кейин ўқув дастурини миллий-мусиқий оҳанглар асосида шакллантиришди. Ҳозирга қадар “Мусиқа” фани дарсликларини яратишда мазкур дастурга таяниб келинмоқда. О.Иброҳимов “Мусиқа” дарсликларини яратишда ўзининг 4-, 7-синфларга ёзган муаллифлик китоблари билан бошқа муаллифларга намуна бўлиб келмоқда.

Эҳтиром

Хорижда ва республикада нашр этилган 100 дан ортиқ мақолалар, дарсликлар, монографиялар ва ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи бўлган устоз илмий раҳбарлигида бир қанча номзодлик ва магистрлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. Шунингдек, битта халқаро ва тўртта республика миқёсидаги илмий лойиҳалар, амалий ва инновацион грантлар бажарилгани таҳсинга лойиқ. О.Иброҳимов 2002 йили ЮНЕСКО халқаро ташкилотига тақдим этилган ва ғолиб топилган “Шашмақом” лойиҳасининг бош муаллифидир.

Бугунги кунда олимнинг номи дунёнинг кўпгина давлатларида яхши маълум. Чунки кўплаб илмий мақолалари нуфузли хорижий нашрларда эълон қилинган, халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилган, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасида ўтказилган илмий-ижодий анжуман ишида ташкилий қўмита таркибида фаолият кўрсатган, илмий маърузалар билан қатнашган.

Бугунги кунда ўз илмий мактабини яратган, айни куч-қувватга тўлиб, етуклик палласида турган устоз тинимсиз изланишда. Жумладан, Исҳоқ Ражабовнинг “Шарқ мусиқа атамалари изоҳли луғати” қўлёзмаси устида иш олиб бормоқда. Бунда араб, форс, озар, шунингдек, туркий қавмга мансуб миллат ва элатлар мусиқасида қўлланиб келинган баъзи атамаларнинг изоҳли баёни, жумладан, ўзбек миллий мумтоз мусиқасига тааллуқли атамаларнинг қай даражада талқин этилишига оид қимматли манбалар бор. О.Иброҳимов айни пайтда бир неча изланувчи ёш олимларнинг докторлик ишига маслаҳатчи сифатида уларга ҳар томонлама кўмак бермоқда. Илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган.

Фидойи муаллим ҳали кўплаб илмий ишлари, шогирдлар тайёрлаш йўлидаги самарали фаолияти билан юртимиз миллий мусиқа санъатига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ғанижон ХУДОЕВ,
Санъат ва маданият институти кафедра мудири

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Бугунги кунда ёш авлодни миллий урф-одатларимиз, қадрият ва анъаналаримизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам муносиб натижа бермоқда. Жумладан, Тошкент фармацевтика институти маънавият ва маърифат бўлими, “Мураббийлар” кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида “Алла оҳанглари сеҳри”, “Ёшларни оилага тайёрлаш”, “Алла — унутилмас оҳанглар”, “Алланинг бола руҳиятига таъсири” каби мавзуларда давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда. Уларда таниқли шоир ва ёзувчилар, тиббиёт соҳаси вакиллари, олима аёллар фаол қатнашмоқда. Тадбирларда ёшларни бебаҳо миллий анъаналаримиз билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Талабалар қадимий урф-одатларимиз тарихи ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида ҳам кенг маълумот олишмоқда. Бу катта ҳаёт остонасида турган навқирон авлод вакиллари дунёқарашини янада кенгайтиришга, уларда юксак маънавий ва ахлоқий қарашларнинг шаклланишига хизмат қилаётир.

Тадбир

Тиб илмининг даҳоси, буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, “Инсон руҳиятини даволамай туриб танни даволаб бўлмайди”. Жамият саломатлигига бевосита масъул бўлган касб эгалари буни чуқур англаши лозим. Шу маънода ҳар йили институт ректорати ташаббуси билан давлат дастурлари ижросига бағишлаб “Доришунослар воримсимиз”, “Соғлом она ва бола жамиятимиз пойдевори”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Қизлар беллашуви” сингари турли мавзуларда кўрик-танловлар ўтказиб борилмоқда. Бундай тадбирлар талабаларнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Айниқса, талаба-қизлар ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловларда миллий куй-қўшиқларимиз ҳамда алла ашулаларини ижро этиш билан боғлиқ беллашувлар қизиқарли ташкил этилади. Бўлажак оналар, оила бекалари учун бу ўзига хос сабоқ вазифасини ҳам ўтайди. Момоларимиз ижро этган алла ҳамон барҳаёт экани, қизларимиз томонидан қуйланаётганини кўриб дил яйрайди. Талаба-қизларимиз келажакда малакали доришунос бўлиб етишсалар-да, уларнинг санъат соҳасидаги иқтидори ҳам қувонтиради.

Бир сўз билан айтганда, бугун институтимизда ўқув жараёни маданий-маърифий фаолият билан уйғунликда олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим жараёнини бойитишга, янги педагогик технологиялар, илғор дарс услублари кенг ёйилишига хизмат қилмоқда. Талабаларимизнинг фаоллиги, ижодий интилишлари ошиб бормоқда. Уларнинг илмий ва ижодий изланишлари институт ўқитувчиларининг доимий эътиборида. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни малакали мутахассис, ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони қилиб камолга етказишдан иборат.

Нигора АШУРОВА,
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси

ЭЪЗОЗДАГИ АБАДИЯТ



Қашқадарё воҳасида туғилиб, камолга етган истеъдодли журналист ва адиба Хосият Лутфуллаеванинг “Fan va texnologiyalar” нашриётида чоп этилган “Эъзоз абадияти” китобига жамланган қиссалар, ҳикоялар ва хотиралар ҳаётни севиш, умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаш каби юксак туйғулар билан йўғрилган.

Х.Лутфуллаева қисқа, бироқ сермазмун умри давомида вилоят газетасида фаолият юритиш билан бирга очерклар, публицистик мақолалар, ҳикоя, новелла ва қиссалар ёзиб, республика матбуотида ҳам танилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир адибага йўллаган мактубларидан бирида унинг келгусида таниқли ижодкор бўлишига ишонч билдириб, “Хосиятнинг яратган қаҳрамонлари фикр тиниқлиги, софлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради”, деган эди.

Янги нашр

Чиндан ҳам адиба ўз асарларида қаҳрамонлари сиймосини китобхон кўз олдида яққол жонлантира оларди. Инсон гўзаллиги унинг маънавий бойлиги билан ўлчаниши, қийинчиликларни фақат меҳнат билан енгиш лозимлигини образлар орқали ифодалашга интиларди. “Эъзоз абадияти” китобини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бўритош Носирова нашрга тайёрлаган.

«ИМОН» СПЕКТАКЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри ижодкорлари ижросида Иззат Султон асари асосида саҳнага қўйилган «Имон» спектакли намойиш этилди.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда миллий театр равнақи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ижод аҳлини илҳом билан ишлашга ундамоқда. Барча театр жамоаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни зарур саҳна жиҳозлари, техник ускуналар билан таъминлаш, биноларни янада кўркам қиёфага келтириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Тошкент шаҳридаги жамоаларнинг юртимизнинг барча ҳудудларига, вилоятлар театрларининг пойтахтимизга сафарини мунтазам ташкил этиш яхши анъанага айланди. Бу ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ижодий мулоқотни кенгайтириши, театр репертуарининг янада ранг-баранглашувида муҳим омил бўлмоқда.

Узоқ йиллар мобайнида Ўзбек Миллий академик драма театрида ижро этилган «Имон» спектакли санъат ихлосмандларига яхши таниш. Инсон ҳар қандай шароитда ўз виждонига қулоқ тутиб иш кўриши, турли мураккаб, чигал вазиятларда ҳалоллик, поклик, инсоф ва диёнат сингари чин инсоний фазилатлар билан муносиб йўл топишдек эзгу ғоя мазкур асар мазмунига сингдирилган.


– Имон, виждон, ор-номус тушунчалари ҳамиша инсон маънавиятида ўзига хос маёқ вазифасини ўтайди, – дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри директори Қолбой Турдиев. – Бу тушунчалар замонлар оша ўзгармай келаётган, миллий қадриятларимизнинг ажралмас бўлаги саналади. Спектакль томошабинни доим эзгуликка, виждони билан иш кўришга ундаши боис уни халқимиз севиб томоша қилади.

Спектаклни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев саҳналаштирган. Режиссёр – Қорақалпоғистон санъат арбоби Бердибай Утебаев. Саҳна безаклари ва декорацияларини Қорақалпоғистон санъат арбоби, рассом Рихат Асқаров яратган. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ушбу спектаклда асосий ролларни Ёдгор Саъдиев, Азиз Назаримбетов, Алинай Бердибаева, Сапаргул Даулетова, Мийригул Мамбетумратова, Гулсара Жуманиязова, Фарит Узақбергенов, Бахтияр Абденов ижро этмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Асқар МАҲКАМ

Тирик сатрлар



МЕН ҚАЙТИБ КЕЛАРМАН

МЕНИ ЁД ЭТ

Яна бўм-бўш ўзанларда
хаёл кезса, мени ёд эт,
Яна ёмғирли боғларда
шамол эсса, мени ёд эт.

Умр фасли саросар эврилурким
гирдиболдир у,
Бошинг узра хазонлар бош
олиб кетса, мени ёд эт.

Тун-оқшом сарғариб ой бир
ғарибдай тентирар танҳо,
Булутлар қаърида ул қоматин
эгса, мени ёд эт.

Суқут бағрида денгизлар
буюк суронларин қўмсар,
Кумуш оққуш яна денгиз
узра кезса, мени ёд эт.

Кўзинг гирдобида абру,
ёнар юлдуз каби қайғу,
Дилинг мажруҳ кабутардек
сазо чекса, мени ёд эт.

ХАЙРЛАШУВ

Насиб қилса, қайтиб келарман,
Барча бир кун ортга қайтарлар.
Мен қайтарман кетганлар билан,
Хайр, далли дарёларим, хайр.

Қайтганимда қўлларин ёзар,
Йўлларимга чиқар бир бағир.
Кўкрагимга ташланар сочлар,
Хайр, ошно шамолларим, хайр.

Яйдоқ йўллар аро энтикиб,
Бошим узра қуйилгай бахайр.
Мен келарман сўнгги дам етиб,
Хайр, барги хазонларим, хайр.

ОРАЛИҚ

Икки дўнглик,
Иккита қабр
Оралиғда тупроқ ва хазон.
Ё сағирдир
Ё мутакаббир
Абас...
Бунда фасли баргрезон...
Мен билмайман тупроқ тагида
Нечук ҳолда экан ул зотлар.
Балки бири Кавсар лабида,
Балки бири томуғда додлар...

ТАБРИЗ ТУПРОҒИДА

Табриз тупроғида оғир кечди тун,
Ҳатто шоирларни босди салобат —
Кел эй, Мавлононинг ҳурмати учун,
Менга Шерозийнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида чайқаларди тун,
Нилий қуббаларда Қуръоний оят —
Кел эй, Табризийнинг ҳурмати учун,
Менга Ширвонийнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида адашгандек тун,
Юлдуз сачроғида шода-шода байт —
Кел эй, Фирдавсийнинг ҳурмати учун,
Менга Шаҳриёрнинг шеърларидан айт!

Табриз тупроғида энг охирги тун,
Май ичмай шоирлар яшарди сармаст...
Кел эй, меҳмонингнинг ҳурмати учун,
Менга Навоийнинг шеърларидан айт!..

ИЙМОН

Ийманни нур дерлар — нурдир, нурдир у,
Бу нурни кўрмаган кўрдир, кўрдир у.
Бу нурни кўрмаган одамми, ажаб,
Эҳтимол йўқдир у, йўқдир, йўқдир у!

Асқар МАҲКАМ (1958—2007) таниқли шоир, таржимон, «Наврўз», «Тазарру», «Ишқ», «Ибодат», «Табриз дафтари», «Оққитоб» сингари китоблар муаллифи. «Авесто», Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Кашф ул-асрор» (Қуръони каримнинг адабий-ирфоний тафсири), Жалолиддин Румийнинг «Маънавий Маснавий»сини, Шамс Табризийнинг ғазаллари ҳамда эронлик шоирлар шеърларидан намуналар таржима қилган.

“ТАФАККУР”

2016 йил 4-сон



Журналнинг янги сони илк саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган материаллар берилган. “Йўқлов” рукнида Хуршид Давроннинг “Самарқанд” шеъри, “Маънавиятимизнинг бош ҳомийси” сарлавҳаси остида эса, Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” китобларидан, шунингдек, 1992 – 1993 йилларда Олий Кенгаш сессияларида, турли учрашувларда сўзлаган маърузалари ҳамда матбуот нашрлари муҳаррирлари саволларига жавобларидан олинган иқтибосларни ўқийсиз.

“Нима дейсиз, замондош?” рукнида “Тафаккур” мухбири С.Ёқубовнинг Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан “Тоғни ағдармоқ азми” сарлавҳали суҳбати босилган. Унда театр санъатидаги бугунги жараёнларга муносабат билдирилиб, ҳукумат томонидан соҳа ривожи йўлида катта ғамхўрлик кўрсатилаётганига қарамай воқеликни бадиият қонуниятлари асосида тадқиқ этиб, ундан чуқур маъно излайдиган баркамол асарлар камлиги айтилади.

Файласуф олим Абдураҳим Эркаев “Янги аср муаммолари” рукнидаги “Рўёни рост деса...” мақоласида ғарбнинг инсонни жисмоний ва руҳий жиҳатдан синдиришга қаратилган ахборот хуружлари, одамлар онгини карахт қилиб қўювчи “оммавий маданият” ниқобидаги ОАВ технологияларининг асл моҳияти ҳақида фикр юритади. Раҳмон Қўчқорнинг “Дунё – кураш майдонидир” сарлавҳали мақоласи миллат ва маънавият, ёшлар қалби ва онгига маърифат нурини олиб кириш, жаҳолат хуружларидан огоҳ этиш мавзусида. Қозоқбой Йўлдошнинг “Навоий мулкига йўл” мақоласида миллий тафаккур кўзгуси ҳисобланган қомуслар яратиш эҳтиёжи ҳақида сўз очилиб, чоп этилган “Алишер Навоий қомусий луғати”да қамровнинг кенглиги, энди нашрга тайёрланаётган “Алишер Навоий қомуси”да эса изоҳлар теранлигига эътибор қаратилгани таъкидланади.

“Тафаккур” мухлислари “Наср жавоҳирлари” рукнида машҳур немис адиби Ҳанриҳ Манннинг “Интиқом” ҳикояси, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Камолнинг “Кўнгил салтанати” рукнидаги шеър ва ғазаллари, “Тақдирдаги тақбирлар” рукнида журнал мухбири Шоҳсанамнинг атоқли француз драматурги Мольернинг ҳаёти ва сўнгги кунларига бағишланган мақоласи, “Талқин ва тадқиқотлар” рукнида Фаррух Темировнинг “Беҳбудийнинг сўнгги истаги” тадқиқоти билан танишадилар. Журналнинг “Жавондаги жавоҳир”, “Моҳият жилолари”, “Санъат фалсафаси” рукнлари остида ҳам қизиқарли мақолалар эълон қилинган.

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2016 йил 4-сон



Кўркам муқовада чоп этилган журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони босилган.

Ш.Сирожиддиновнинг “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассислар тайёрлашнинг янги тамойиллари”, Н.Маҳмудовнинг “Тил сиёсати ва сиёсат тили” ва М.Жўраевнинг “Фундаментал тадқиқотлар истиқболи” мақолаларида мазкур фармон ижросини таъминлаш, ўзбек тили ва адабиётининг дунё миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтириш йўлидаги вазифалар ҳақида фикр юритилган. Истиқлол даври ўзбек адабиётида, тилшунослигида эришилган ютуқлар ва галдаги вазифалар ҳақида У.Ҳамдамов, А.Мадвалиев ва Ё.Одилов мақолаларида ўқийсиз.

Т.Мирзаев ва Ш.Турдимов мақоласида етук фольклоршунос М.Жўраевнинг илмий, ташкилотчилик фаолияти ёритилган. “Гўрўғли” достонининг қиёсий ўрганилиши масалалари” тадқиқотида Ж.Мирзаев мазкур достоннинг версия ва вариантлари ҳақида фикр юритиб, уларни қиёсий ўрганиш масаласини ўртага қўяди. Ҳ.Болтабоевнинг “Девону луғатит турк”нинг илк таржимони” мақоласида ўзбек олими Холид Саид Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинган.

“Тилшунослик”, “Илмий ахборот” рукнларидаги тадқиқотларда мумтоз адиблар, уларнинг асарлари, тилшунослик масалаларига доир илмий кузатишлар билан танишасиз. Фанимиз заҳматкашлари ҳақида мақолалар, дил сўзлари ҳам ушбу сонда эълон қилинган.

Журналларни варақлаганда

“АМУДАРЁ”

2016 йил 5-сон

“Амударё” журналининг 5-сони илк саҳифаси Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган “Асрга баробар йиллар” сарлавҳали бадиий публицистик мақоласи билан очилади. Мақолада мустақиллик шарофати билан қорақалпоқ диёрида иқтисодиёт, маънавият ва адабиёт соҳаларида амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, истеъдодли ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида сўз юритилади. Бердибой Ўтамбетовнинг академик Турсунбай Ешчанов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Тулға” (“Портрет”) очерки ҳам шу сонда эълон қилинган.



Шунингдек, ушбу сонда марҳум адиб Абдумурат Отажоновнинг “Бузилган уя” романининг давоми ҳамда истеъдодли ёзувчи ва журналист Жиянбой Мўяновнинг “Узилмаган умид” қиссаси босилган.


“Туркийзабон” рукнида теран томирли халқларимиз адабиётининг энг яхши намуналарига, қардош халқлар адабий алоқаларига эътибор қаратилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” тарихий романи давомини ҳам шу сонда ўқийсиз. Қорақалпоқ шеърияти мухлислари Ўсарбой Элиёв, Генжабой Жугисинов, Меҳрман Еримбетов, Мадатбой Аметов, Қалбой Жумамуратовнинг Ватан, мустақиллик, муҳаббат, замондошларимиз орзу-умидлари мавзусидаги ранг-баранг шеърларидан баҳраманд бўладилар.

Шу йилнинг 23 — 25-ноябр кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Дўрмон” ижод уйида ўтказилган “Истеъдод мактаби” Республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчилари Дилафрўз Айтбоева, Мансур Жумаев, Қуват Холмуродов, Жалолиддин Эшниёзовнинг туркум шеърлари “Ёшлар овози” рукнидан ўрин олган.

Сўнгги саҳифаларда Турсунмурат Ешчановнинг болаларга бағишланган туркум шеърлари, Сейдин Амирланнинг қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналаридан тўплаб тайёрлаган ўғил, қизларни эркалаш оҳангидаги қўшиқлари журналхонлар эътиборини тортиши тайин. Журнал муқовасининг ички бетларида ҳайкалтарош Дарибой Тажимуратов ҳаёти ва ижодидан лавҳалар берилган.

Р. МУСУРМОН

РАССОМ ДУНЁСИ



Таниқли рассом, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ҳикмат Жалилов ижоди мавзулар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Албатта, табиат мавзуи ишларининг асосий қисмини ташкил қилса-да, юртдошлари ва уларнинг ҳаёт тарзи ҳам рассом назаридан четда қолмайди. Рассомнинг Тошкент Фотосуратлар уйида очилган кўргазмаси бунинг ёрқин далилидир. “Гулсафсар”, “Анор шарбати”, “Олтин куз”, “Бурчмуллада олтин куз. Чорвоқ”, “Европанинг ўғирланиши”, “Қовға” асарларида мавзу ва ранг мутаносиблиги композиция аниқлигига хизмат қилади. “Анорли боғим” манзарасида рассом оила муқаддаслиги билан бирга ҳаёт абадийлигини ҳам ифода этади. Таниқли санъаткорларга бағишланган портретлари, юртимизга кўрк бағишлаб турган тарихий обидалар меҳр билан чизилган. “Меникига зарғалдоқ учиб келди” асари рассом ижодининг ёрқин намунасидир.

Нигоҳ

Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоевнинг шогирди Ҳ.Жалиловнинг намойишга қўйилган етмишдан ортиқ асари ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

С.ҚОСИМОВА

А.ПОПОВ олган сурат.

ҲАЁТИМИЗ ХАВФСИЗ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жорий йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январига қадар юртимизда ёнғин хавфсизлиги кунлари ўтказилмоқда. Ҳар йилнинг шу даврида Республикамизда ёнғин хавфсизлиги кунларини ўтказиш анъанага айланган.

Огоҳлик

Турли вазиятларда содир бўлаётган ёнғинлар ва улардан кўриладиган зарарларни таҳлил этиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигига амин бўламиз. Кундалик турмушимизда турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда огоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда ишлаб чиқариш, савдо саноат ва бошқа кўплаб масканларда ёнғин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Айниқса, аҳолининг кенг қатлами билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Жойларда газ ва электр манбаларидан ноқонуний фойдаланмаслик, техник талабларга жавоб бермайдиган носоз иссиқлик ҳамда ёритиш мосламаларидан фойдаланмаслик кераклиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда халқимизнинг осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Абдулазиз ҲАСАНОВ,
Дониёр ЮНУСОВ,
Шожалил ШОНАЗАРОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3553. Буюртма S — 7629. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X